ҲАР ҚАНДАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ҲАМ ТЕРИМ СУРЪАТИНИ БЎШАШТИРМАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 214 (2505). | 30 октябрь, чоршанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

СОВХОЗЛАР МАШИНА ТЕРИМИ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

Тошкент областининг совхозлари машинада пахта териш планини 100,91 процент қилиб бажардилар.

Пўлат агрегатлар билан 35 минг 320 тонна «оқ олтин» терилди. Оққўрғон бошқармасидаги «ЎзССР беш йиллиги» ва «Коммунизм», Бекобод бошқармасидаги «Чаноқ», Бўка бошқармасидаги «Бўка» совхозлари, айниқса, яхши натижаларга эришдилар.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ЯНГИБОЗОР. Улуғ Октябрь байрами шарафига социалистик мусобақани кучайтириб юборган Свердлов номли колхоз пахтакорлари муносиб меҳнат совғаси тайёрладилар. Бу ерда 845 гектар ернинг ҳар гектаридан 32,81 центнердан пахта териб олинди ва план 100,2 процентга етказилди.

* * *

ОҚҚЎРҒОН. «Озод» колхозининг азаматлари ҳозирги кунга қадар давлатга 1160 тонна пахта етказиб бердилар ва планни 100,2 процент бажардилар. М. Набиев, Р. Арслонов, С. Мавлонов, М. Қосимов ўртоқлар бошлиқ бригадалар, айниқса, юқори кўрсатчиларга эришдилар.

МАРРАГА ЕТДИК

КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашган колхозимизнинг ватанпарвар деҳқонлари пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. 1857 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29,2 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, давлат омборларига 5.415 тонна «оқ олтин» тўкдик. Колхозчиларимизнинг самарали қилган меҳнатлари туфайли ўтган йилга нисбатан ҳосилдорлик гектар бошига 2,32 центнерга оширилди.

Биз ҳосилни машиналар ёрдами билан териб олишга ҳам катта аҳамият бериб, бу соҳада самарали иш қилдик. 800 тоннага яқин ҳосил «зангори кема»лар ёрдами билан териб олинди.

Бу йил колхозимизда ажойиб пахта усталари етишиб чиқди. Улар деҳқончилик маданиятини яхши ўрганиб олиб кенг майдонларда юқори ҳосил етиштиришни таъминладилар. Йўлдошев, Салимов, Аҳмедов, Эшов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда гектар бошига 32-35 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Биз ҳамма имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, пландан ташқари 600 тонна пахта топшириш мажбуриятини олдик. Шу мақсадда қишлоқдаги бутун аҳолини тўла далага сафарбар қилиш чораларини кўрдик. Ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни Улуғ Октябрь байрами кунигача бажариш учун курашмоқдамиз.

Колхозчиларимиз пахтачиликни ривожлантириш билан бир қаторда жамоат чорвачилигини кўпайтиришга ҳам жиддий эътибор бермоқда. Бу йил давлатга 101 тонна гўшт, 366 тонна сут, 8,2 тонна жун, 72 минг дона тухум, 1430 центнер ғалла, 151 тонна пилла, 779 тонна сабзавот маҳсулотлари сотдик. Хўжалигимизда давлатга чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш қизғин давом этмоқда.

Н. АВАЗОВ,
Янгийўлдаги Ленин номли колхознинг раиси.

И. ОЧИЛОВ,
колхоз партия комитетининг секретари.

ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИ — ЖАНГОВАР ИШ ПРОГРАММАМИЗ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда ўз ишини тамомлаган IX пленуми республикамиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун ғоят катта сиёсий ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган муҳим масалаларни муҳокама қилди. Пленум пахта териш ва тайёрлаш суръатларини кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Ўзбекистон комсомолларига ёзган хати ва республика партия ташкилотларининг дон етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги вазифалари ҳамда республика колхозлари ва совхозларида чорвачиликнинг аҳволи ва уни янада юксалтириш тадбирлари ҳақидаги масалаларни қараб чиқиб тегишли қарорлар қабул қилди.

Пахта йиғим-теримининг энг масъулиятли ва сўнгги, якунловчи кунларида чақирилган бу пленум бутун куч ва моддий-техника воситаларини даладаги барча ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишга сафарбар этиш, пахта тайёрлаш суръатини жадаллаштириб, она-Ватанга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш ҳақидаги социалистик мажбуриятни бажариш учун мардонавор курашга чақирди.

Халқ меҳр-муҳаббат билан «оқ олтин» деб ном берган пахтамиз — Ватанимизнинг жуда катта бойлиги, миллий ифтихоримиз, ор-номусимиз ва шон-шавкатимиздир. Пахта — ўзбек халқининг коммунистик мўл-кўлчилик дастурхонига қўшадиган энг муҳим ҳиссасидир. Ўзбек пахтакорларининг энг яқин қадрдон дўсти Никита Сергеевич Хрушчев пахтакорлик касбимизга жуда юксак баҳо бериб, пахтани олтиндан ҳам қимматдир, деб атади. Бундан беҳиҳоя руҳланган республикамиз пахтакорлари ҳозиргача Ватан «оқ олтин» хазинасига 3 миллион тоннадан ортиқ ҳосил тўкдилар. Ярим миллион тоннадан кўпроқ пахта машиналарда терилди. Совет Иттифоқининг асосий пахта кони бўлган Ўзбекистонда аввалги йилларнинг бирортасида ҳам шу муддатга ана шундай кўп пахта тайёрланмаган эди. Пахтачилик тарихи бундай зўр суръатни ҳали билмайди.

Азамат пахтакорларимизнинг қаҳрамонона меҳнатини улуғловчи бу қувончли хабар республикамиздаги ҳамма кишини — қарию-ёш, колхозчию-олим, ишчию-хизматчи, ўқувчию-студент — барчани ғоят хурсанд қилди. Жонажон Ватанимизни энг қимматли хом ашё бўлган пахта билан таъминлашдек улуғ ва шарафли вазифани ўз зиммасига олган ўзбек пахтакорларининг дастлабки ғалабасини — 3 миллион тонна дурдона ортилган буюк карвонини бутун мамлакат табриклади.

Областимиз пахтакорлари республика «оқ олтин» хирмонининг бўй чўзишига муносиб ҳисса қўшиб, мамлакатга 277 минг тоннага яқин дурдона армуғон этдилар. Бу курашда оққўрғонлик азаматлар ғолиб чиқиб, областда биринчи бўлиб маррага етиб келдилар ва шу кунларда ҳам суръатни бўшаштирмай социалистик мажбурият ҳисобидан пахта топширмоқдалар. Йиғим-теримни уддабурралик билан ташкил этган илғор колхоз ва совхозлар ҳам ишни дўндириб, планини тўлдириб, пландан ташқари пахта бермоқдалар. Юқори Чирчиқ райони ва бошқа бир қанча хўжаликлар маррага тобора яқинлашиб келмоқдалар.

Бироқ умуман олганда область колхоз ва совхозларида пахта йиғим-теримининг ҳозирги бориши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қўйган юксак талабларга мутлақо жавоб бермайди. Пленумда Бекобод, Калинин, Бўка ва Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаларида пахта териш ва тайёрлашнинг бориши, пахтани машинада теришдаги жиддий камчиликлар қаттиқ танқид қилинди. Бекобод ва Бўка районларидаги кўпгина хўжаликларда теримчиларнинг иш унуми жуда пастлигига ва терим агрегатларининг бир чеккага суриб қўйилганлигига сира ҳам тоқат қилиб бўлмайди. Областдаги бир қанча районларда меҳнатга қобилиятли колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ҳаммаси бевосита пахта теримига жалб қилинмаган, терим машиналаридан ҳали ҳам қониқарсиз фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми пахта йиғим-теримини уюштиришда мавжуд бўлган барча камчиликларни тезда бартараф қилиб, йиғим-терим ишлари суръатини кескин оширишни талаб этди. Ҳозир пахта йиғим-теримини муваффақиятли туғаллаш учун курашнинг энг ҳал қилувчи даврида турибмиз. Шу ғанимат кунларда йўқотилган ҳар бир соатнинг ўрнини сал кундан кейин ҳафталар ҳам босолмайди. Шунинг учун бутун кучни сарфлаб, ишни пировардига етказиш керак. Пахта учун олиб борилаётган умумхалқ курашидан ҳеч ким четда қолмаслиги, меҳнат қилишга курби етадиган ҳар бир киши пахта далаларига чиқиб, теримда бевосита иштирок қилмоғи лозим.

Область колхоз ва совхозлари партиянинг дон етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш тўғрисидаги чақириғига жавобан қизғин иш бошлаб юбордилар. Дон экилган майдон 1964 йилда 1963 йилдагига нисбатан 59 минг гектар кўпайтирилади. Суғориладиган ерларда дон экиш анча кўпаяди. Областимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг қарорини бажариш учун курашиб, келгуси йили 13—15 миллион пуд дон олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборадилар. Шу билан бирга пленум қарорига жавобан чорва қишловини намунали ўтказиб, мамлакатга кўпроқ гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш учун бутун куч ва ғайратларини сарфлайдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг қарорларини жанговарлик билан амалга оширайлик, пахта териш ва тайёрлаш суръатини янада жадаллаштириб, планни тезроқ тўлдирайлик, пахта, дон ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш учун астойдил кураш бошлайлик!

ҲУЖУМ ДАВОМ ЭТАДИ

Бу йил совхозимиз коллективи астойдил меҳнат қилиб катта ғалабани қўлга киритди. Шу кунгача она-Ватанга 4800 тонна «оқ олтин» тортиқ қилдик. Топширилган ҳосилнинг ҳаммаси қоп-қанорсиз ташиб олинди.

Ишчиларимиз машинага ихлос қўйишди. Натижада пахта териш машинасига кенг йўл очиб берилди. Машиналарнинг унумли ишлашига эришдик. Ҳар бир машина билан ўртача 50 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлинди. Бизда ажойиб механик-ҳайдовчилар етишиб чиқди. Бугун биз уларнинг номини фахр билан тилга оламиз. Мана, Владимир Мак, Деҳқон Тўраев, Қўшбой Қорабоев, Мавлон Деҳқонбоевлар. Бу азаматларнинг ҳар бири ўзлари бошқарган «зангори кема»ларнинг бункеридан 90—100 тоннадан пахта тўкишга муваффақ бўлишди. Ана шунинг учун ҳам машинада пахта териш плани ортиғи билан, яъни 112 процент адо этилди.

Деҳқонларимиз янги ерлардан мўл ҳосил етиштиришнинг тилини эндиликда яхши билиб олишди. Ўтган йиллари ҳар гектар ердан 9—13 центнердан ҳосил олинган бўз ерлардан эндиликда 25 центнердан ошириб хирмон кўтардик. Карим Йўлдошев, Норбўтабек Мирзаев, Бийбола Оқбўтаев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригада аъзоларининг мўл ҳосил етиштириш йўлида тинмай қилган меҳнатлари зое кетмади. Ҳар гектар ердан 30—32 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

Ишчиларимиз етиштирилган мўл ҳосилни уюшқоқлик билан йиғиштириб олишда ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатишди. Деярлик ҳар бир киши даладаги ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ойсара Эрхонова, Урифа Мирзабекова, Қутби Абдижалилова каби юздан ортиқ чевар теримчиларимиз кундан-кунга яхши меҳнат қилиб мавсум давомида 8—10 тоннадан пахта териб беришди.

Совхозимиз пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарди. Лекин бу далада ҳосил тамом бўлди, деган гап эмас. Ҳали кўпгина пахтамиз далада. Биз «оқ олтин»ни нобуд қилмаслик учун ҳаракат қилиб, терим суръатини бўшаштирмаймиз. Яна қўшимча равишда давлат омборларига 1485 тонна пахта тўкишни ўзимизнинг асосий бурчимиз, деб биламиз. Биз октябролди социалистик мусобақасини ҳар тарафлама кучайтириб ваъдамизнинг устидан тезроқ чиқиш учун ҳаракат қиламиз ва шу билан бир қаторда келгуси йил мўл ҳосили учун тайёргарлик ишларини ҳам ҳар тарафлама қизитиб юборамиз. Бу — коллективимизнинг шу кундаги энг муҳим вазифаларидан биридир.

М. ЖИВАДЕРОВ,
«Бўка» совхозининг директори.

А. СОЛИЕВ,
совхоз партия комитетининг секретари.

ХИРМОНГА барака 29
Октябргача областимизда пахта тайёрлашнинг бориши

Планга нисбатан процент ҳисобида: 1-устун — бошқармалар, иккинчиси — кунлик ўсиш, учинчиси — мавсум бошидан, тўртинчиси — машина теримининг бир кунлиги, бешинчиси — машина теримининг жами, олтинчиси — қоп-қанорсиз ташиш

Оққўрғон	0,64	106,12	0,42	132,30	137,7
Юқори Чирчиқ	0,31	93,86	—	64,63	106,0
Ўрта Чирчиқ	0,43	89,14	0,05	76,66	115,4
Янгийўл	0,49	83,14	0,66	78,14	110,5
Бўка	1,17	81,50	0,95	83,03	107,2
Калинин	0,46	77,06	—	56,82	98,2
Бекобод	0,99	74,20	0,75	67,77	94,9
Область бўйича	0,70	86,70	0,54	87,36	112,1

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛЛАРИГА ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА ХАТИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ДОН ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон КП Марказий Комитети IX пленумининг қарори

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қайд қиладики, республика колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг «Дон экинларидан муттасил мўл ҳосил олиш учун суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш тўғрисида «ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг 1963 йил 14 августдаги мактуби» ҳақидаги қарорини ҳамда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Шимолий Кавказ қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашида сўзлаган нутқида баён этилган таклифларни якдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар.

Пленум ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари дон ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун мавжуд бўлган катта имкониятлардан фойдаланмаётирлар, деган танқидини тамомила тўғри деб эътироф қилади ҳамда суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш ва пахтачиликка зарар етказилмаган ҳолда дон етиштиришни анча кўпайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларни оғишмай амал қилиш учун қабул этади.

КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистон экономикаси ва бутун мамлакатимиз экономикасини юксалтириш учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорини муҳокама қилиш жараёнида колхоз ва совхозлар, ишлаб чиқариш бошқармалари дон етиштиришни кескин суратда кўпайтиришнинг фойдаланилмаётган жуда катта резервларини аниқладилар, суғориладиган ерлардан тўлароқ ва самарали фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқдилар.

Комсомол-ёшларнинг юзлаб бригадалари гектар бошига 100 центнердан ҳосил кўтариш учун курашга отландилар. Бу ватанпарварлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетига, республиканинг барча комсомолларига, колхозчилари, совхоз ишчиларига, олимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларига ёзган Хатида комсомолларнинг ажойиб ташаббусини маъқуллади ва дон етиштиришни кўпайтириш, суғориладиган ерлардан ғоят самарали фойдаланиш, бир ернинг ўзидан икки марта ҳосил олиш суғориладиган ерларда ҳар гектардан камида 100 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан қимматли маслаҳатлар берди. Бу Хат республика комсомолларини, ёшларини, барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини дон етиштиришни кўпайтириш учун фидокорона курашга илҳомлантирди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг IX пленуми **қарор қилади:**

1. Дон экинларининг ялпи ҳосили 1964 йилда 115 миллион пудгача, 1965 йилда 160 миллион пудгача ва 1970 йилда 400 миллион пудгача кўпайтирилишини таъминлаш мақсадида дон экинлари майдонини кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш юзасидан колхозлар, совхозлар ва ишлаб чиқариш бошқармалари, область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари ишлаб чиққан тадбирлар маъқуллансин.

Пленум Ўзбекистон КП Марказий Комитети Президиумига ва республика Министрлар Советига шоликор совхозлар ташкил қилиш соҳасида зарур чораларни амалга оширишни топширади. 1963 йилдаёқ 9 та янги шоликор совхоз ташкил қилинсин.

2. Область партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва область комитетлари зиммасига суғориладиган ерларда ҳар гектардан камида 80 центнердан маккажўхори ва оқжўхори, 50-60 центнердан шоли, 40 центнердан буғдой, арпа ёки нўхат олиш учун, суғориладиган ерларда йилига икки марта ҳосил етиштириб, ҳар гектаридан 100 центнердан дон олиш учун бригадалар, колхозлар, совхозлар, ишлаб чиқариш бошқармалари ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш вазифаси юклатилсин.

3. Область партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ҳамда унинг органлари зиммасига дон экинларининг суғориладиган майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорликни дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган миқдорга етказиш учун зарур бўлган ҳамма чоралар амалга оширилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

Суғориладиган ҳамма ерлардан унумли фойдаланиш, бундан илгари турли сабаблар билан ташлаб қўйилган суғориладиган ерларнинг ҳаммасини тиклаш ва уларни қишлоқ хўжалик оборотига қўшиш чораларини кўриш керак.

4. Республика комсомоллари ва ёшларининг ватанпарварлик ташаббуси катта сиёсий ва халқ хўжалик аҳамиятига эга эканлигини назарга олиб, барча партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари зиммасига суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 100 центнердан дон ҳосили олиш учун курашаётган комсомол-ёшлар бригадаларига бутун чоралар билан ташкилий ва моддий-техника ёрдами кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

5. Область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига ҳамда унинг жойлардаги органларига ўртоқ Н. С. Хрушчев Хати коммунистлар, комсомоллар ва барча колхозчилар ҳамда совхоз ишчилари ўртасида кенг муҳокама қилинишини ташкил қилиш топширилсин. Суғориладиган ва баҳорикор ерларда кузги дон экиш планини муваффақиятли бажариш, ҳар бир хўжаликда суғориладиган ерлардан рационал фойдаланиш, 1964 йил кўкламида шоли, маккажўхори, оқжўхори, буғдой, арпа, донли дуккакли экинларни экишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва экишни ўз вақтида ўтказиш юзасидан конкрет амалий тадбирлар белгилансин, республикада дон етиштиришни анча кўпайтиришнинг жуда муҳим шарти сифатида, ораликдаги ва тақрорий экинларни бутун чоралар билан кўпайтиришга алоҳида эътибор берилсин.

6. Область партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги зиммасига ғаллакор бригадалар ташкил қилишни энг яқин вақт ичида туғаллаш, бу бригадаларга ер, ишчи кучлари ва техника бириктиб қўйиш, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техника воситалари ажратиш вазифаси юклатилсин. Бу бригадаларга раҳбарлик қилиш учун биринчи навбатда комсомоллар ва ёшлар орасидан серғайрат, тайёрлиги бўлган колхозчилар ва совхоз ишчилари дарҳол танлансин, илғор тажриба мактабларида уларнинг ўқиши ташкил қилинсин.

7. Кузги экишни ўтказилишдаги мавжуд камчиликларни дарҳол бартараф қилиш, ерларни кузги экишга тайёрлаш суръатларини бутун чоралар билан кучайтириш, экишнинг қисқа, ҳар бир зона учун агротехника жиҳатидан мақсадга энг мувофиқ бўлган муддатларда ўтказилишини таъминлаш керак. Суғориладиган ерларда бошоқли экинлар экишни 10 ноябргача туғаллаш учун қўшимча чоралар кўрилсин.

Шу мақсадларда зарур бўлган ҳолларда ғаллакор хўжаликларга техника юборилсин, уруғликни ғамлаш, тозалаш ва экиш кондициясига етказиш ишлари энг қисқа муддатларда туғаллансин, ерни ҳайдаш ва кузги дон экиш вақтида агротехниканинг ҳамма талабларига қаттиқ риоя қилинишига алоҳида эътибор берилсин.

8. Госплан, «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги зиммасига 1964 йилда колхоз ва совхозларга дон экинлари етиштириш ва ҳосилни ўриб-йиғиб олиш юзасидан ҳамма ишларнинг қисқа муддатларда бажарилишини таъминлайдиган миқдорларда тракторлар, сеялкалар, ўрим машиналари ва бошқа машиналар юборилишини кўзда тутиш вазифаси юклатилсин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги мутахассисларининг ҳамда республикадаги илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг гектарига 100 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган комсомол-ёшлар бригадаларига бевосита оталик ёрдами кўрсатиш ташаббуси маъқуллансин.

Қишлоқ хўжалик органларининг, қишлоқ хўжалик илмий муассасаларининг ва ўқув юртларининг партия ташкилотларига Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети билан биргаликда комсомол-ёшлар бригадаларига оталик ёрдами кўрсатиш юзасидан амалий чораларни кўриш таклиф қилинсин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг IX пленуми қатъий ишонч билдирадики, республиканинг партия ташкилоти, барча меҳнаткашлари дон етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги катта вазифаларни шараф билан бажарадилар ва «оқ олтин» республикасини ғалла конига ҳам айлантирадилар.

ЎЗБЕК ЭЛИДА САМИМИЙ КУТИБ ОЛИШ

ЦЕЙЛОН БОШ МИНИСТРИ СИРИМАВО Р. Д. БОНДАРАНАИКЕ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Совет ҳукуматининг таклифига биноан, расмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган Цейлон бош министри ва мудофаа ҳамда ташқи ишлар министри Сиримаво Р. Д. Бандаранаике хоним 29 октябрда Тошкентга келди. Шаҳар меҳнаткашлари азиз меҳмонни тантанали вазиятда зўр шодлик билан кутиб олдилар.

Цейлон ҳукуматининг бошлиғини кутиб олиш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов рафиқаси билан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Р. Н. Нишонов, Туркистон Ҳарбий Округи қўшинлари қўмондони армия генерали И. И. Федюнинский, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. М. Нажеткин, СССР Олий Советининг депутати Г. Ф. Наймушин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, Ўзбекистон ССР министрлари Ж. И. Илҳомова, З. Р. Раҳимбобоева, В. С. Содиқова, республика ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ў. А. Рустамов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. Асомов ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари, матбуот вакиллари бу ерга келдилар.

Аэровокзал биносидаги соат стрелкаси кеч соат олтидан ошганида самолёт кўринади. Орадан бир неча минут ўтгач, Сиримаво Р. Д. Бандаранаике хоним самолётдан ўзбек эли тупроғига тушади. У билан бирга Цейлон мудофаа ва ташқи ишлар министрлигининг доимий секретари Н. К. Диас, бош министрнинг расмий секретари Р. Б. Виракун, бош министрнинг шахсий секретари М. Ратватте ва цейлонлик бошқа меҳмонлар, шунингдек Цейлоннинг СССРдаги элчиси Тикири Б. Субасингхе рафиқаси билан самолётдан чиқиб келадилар. СССР маданият министри Е. А. Фурцева, Совет Иттифоқининг Цейлондаги элчиси Н. Я. Тараканов, СССР Ташқи ишлар министрлиги бош секретари вазифасини ижро этувчи М. В. Дегтярь, СССР Ташқи ишлар министрлиги Жанубий Осиё бўлими мудирининг ўринбосари Н. И. Смирнов азиз меҳмонга ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Р. Қурбонов ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари самолётга қараб йўл оладилар, Сиримаво Р. Д. Бандаранаике хоним билан ва унинг ҳамроҳлари билан самимий кўришадилар. Гулдасталар кўтарган болалар меҳмонлар ёнига югуриб келадилар.

Фахрий қоровул бошлиғи рапорт беради. Аэродром майдонида Цейлон, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларининг садолари янграйди. Сиримаво Р. Д. Бандаранаике хоним Р. Қурбонов билан биргаликда фахрий қоровул сафи олдидан ўтади, совет жангчиларини табриклайди.

Р. Қурбонов микрофон олдига келиб нутқ сўзлайди. Р. Қурбонов Цейлон бош министрини республика меҳнаткашлари ва ҳукумати номидан табриклайди ва Ўзбекистон халқлари Р. Д. Бандаранаике хонимнинг Тошкентга келишидан астойдил хурсанд эканликларини айтади.

Сиримаво Р. Д. Бандаранаике сўзга чиқади. У, жумладан, қуйидагиларни айтади:

Раис жаноблари, Ўзбекистон ҳукуматининг аъзолари, хонимлар ва жаноблар, дўстлар!

Раис жаноблари, Ўзбекистонга келишим ҳамоно айтган қизғин табрик сўзларингиз учун ва самимий кутиб олганлигингиз учун сизга катта ташаккур изҳор қилишни истайман. Сизларга ва Ўзбекистоннинг бутун аҳолисига Цейлон халқининг дўстона табриклари ва яхши истакларини топширишга ижозат бергайсиз.

Мен сизлар билан бир неча кун бирга бўлиб, республикангизда ғоят тез амалга оширилаётган буюк тараққиёт программасининг бир қисмини кўра олишим билан беҳиҳоя бахтиёрман.

Азиз меҳмон шаҳар меҳнаткашларининг аэропорт биноси олдига тўпланган вакиллари томон йўл олади. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар дўст Цейлон халқига нисбатан самимий туйғуларини гулдурос қарсаклар билан изҳор қиладилар.

Сиримаво Р. Д. Бандаранаике хоним ва Р. Қурбонов Цейлон, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР байроқчалари билан безатилган машинага тушадилар. Машиналар аэропортдан йўлга чиқиб, шаҳар кўчаларидан ўтиб борадилар ва Цейлон ҳукумати бошлиғига ажратилган резиденцияга бориб тўхтайди. Ўзбекистон пойтахтининг минг-минглаб аҳолиси бутун йўл бўйи Сиримаво Р. Д. Бандаранаикени самимий табриклади. (ЎзТАГ)

КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XIII СЪЕЗДИ

ВЦСПСНИНГ ИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ ВА СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ КОММУНИСТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРИЛГАН ДАВРДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

ВЦСПС раиси ўртоқ В. В. ГРИШИН доклади

Москва. 28 октябрда Кремлнинг Съездлар саройида СССР касаба союзларининг XIII съезди очилди. Суратда: ВЦСПС раиси В. В. Гришин съездда доклад қилмоқда.

В. Кошевой ва Н. Ситников фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

В. В. Гришин докладни бошлаш олдидан СССР касаба союзлари XIII съездига юборган табриги учун съезд делегатлари ва касаба союзларининг миллионларча аъзолари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига қизғин, самимий ташаккур изҳор қилади. Партия Марказий Комитети совет касаба союзларининг кўп қиррали фаолиятига юксак баҳо берди, бизнинг мамлакатимизда касаба союз ҳаракатини янада ривожлантириш вазифаларини қўйди, совет жамияти ҳаётида бу ҳаракатнинг роли ўсиб бораётганлигини таъкидлади. КПСС Марказий Комитетининг табригида партиянинг касаба союзлари тўғрисида оталарча қилаётган буюк ғамхўрлиги, доимий ёрдами ва эътибори, партиянинг бизга нисбатан юксак ишончи ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бу эса, касаба союзларини, барча ишчиларни ва хизматчиларни илҳомлантиради, уларни янги буюк ишларга, коммунизм қурилишида фидокорона меҳнат қилишга чорлайди.

Ўртоқ Гришин съезд номидан, касаба союзларининг барча аъзолари номидан ленинчи Марказий Комитетни, партия ва ҳукумат раҳбарларини ишонтириб айтадики, совет касаба союзлари ҳамиша партиянинг мустаҳкам таянчи бўлиб қоладилар, партиянинг ишончини оқлаш учун бутун кучларини сарф қиладилар, партия буюк ишининг тантанаси учун, мамлакатимизда коммунизм ғалабаси учун янада зўр ғайрат билан кураш олиб борадилар.

СССР касаба союзларининг XII съездидан кейин, дейди В. В. Гришин, тўрт ярим йил ўтди. Бу давр ичида совет халқининг ва бутун инсониятнинг ҳаётида буюк тарихий аҳамиятга эга воқеалар рўй берди. КПСС XXII съезди ана шу воқеаларнинг энг каттаси бўлди. КПСС XXII съезди марксизм-ленинизм назарияси хазинасига жуда катта ҳисса қўшди, коммунистик қурилиш истиқболларини очиб берди, партиянинг янги Программасини қабул қилди.

Ўтган йиллардаги воқеаларнинг бутун бориши КПССнинг XX, XXI ва XXII съездларда белгиланган сиёсий йўл тўғри эканлигини тўла тасдиқлади. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг жанговар штаби — ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитети совет халқини Ленин йўлидан коммунизм ғалабаси сари бошлаб бормоқда, пролетар интернационализми байроғини, социалистик мамлакатларнинг, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлаш байроғини баланд кўтариб бормоқда.

В. В. Гришин партия раҳбарлигида мамлакатимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида рўй берган чуқур, чинакам революцион ўзгаришларни эслатиб ўтади. Партия, давлат ва жамоат ҳаётининг ленинча нормалари ва коллектив раҳбарлик принциплари тикланди. халқ хўжалигини бошқаришнинг маҳкамачилик-бюрократик формаларига барҳам берилди. Партия саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигига раҳбарликни қайта қурди, партия-давлат контроли ленинча принципларини тиклади, ғоявий-тарбия ишларини яхшилаш чораларини ишлаб чиқди.

Касаба союзларининг фаолияти партиямиз ва халқимизнинг коммунистик жамият қуриш учун, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган кураши билан чамбарчас боғланган. Ҳозирги вақтда СССР касаба союзлари 68 миллион ишчи ва хизматчини, яъни касаба союзларининг XII съезди арафасида бўлган аъзолар сонига нисбатан 16 миллиондан кўпроқ кишини бирлаштиради.

Докладчи мамлакат экономикасини ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятлар қўлга киритилганлигини исбот этувчи ёрқин фактлар келтиради. Беш йил ичида (бунда 1963 йил планининг бажарилиши ҳам кўзда тутилади) саноатнинг ялпи маҳсулоти етти йиллик планда кўрсатилган 51 процент ўрнига 58 процент кўпаяди. Пландан ташқари тахминан 37 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Оғир индустриянинг етакчи тармоқлари — металлургия, нефть ва химия саноати, машинасозлик, энергетика айниқса кўп ўсади. Атом саноати, электрон ва ракета саноати муваффақиятли ривожланмоқда. Машина, станок, прибор, автоматика воситаларининг минг-минглаб энг янги хиллари вужудга келтирилди ва ўрнатилди. Бизнинг саноатимиз ўзининг техника даражаси жиҳатидан жаҳон экономикасида олдинги позицияларда турибди. Совет Иттифоқи ҳозирги вақтда Англия, Франция, Италия, Канада, Япония, Бельгия ва Нидерландияни бирга қўшиб ҳисоблаганда улардагидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. СССР саноат ишлаб чиқариши даражаси билан АҚШ саноат ишлаб чиқариши даражаси ўртасидаги тафовут қисқариб бормоқда. 1962 йилда мамлакатимизда саноат маҳсулотининг ҳажми АҚШ саноати маҳсулотининг қарийб 63 процентини ташкил этди.

Ўртоқ Гришин корхоналар ва қурилишларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида, ишчилар ва хизматчилар коллективларининг ҳаётида касаба союз ташкилотларининг роли ўсиб бораётганлиги ҳақида гапиради. Марказий ва маҳаллий касаба союз ташкилотлари хўжалик ва планлаштириш органлари билан алоқаларини кенгайтирдилар, планлаштириш масалаларини ҳал этишда актив қатнашмоқдалар.

Касаба союзлари социалистик мусобақани кенг авж олдириш соҳасида кўп иш қилмоқдалар. Коммунистик меҳнат ҳаракати анча кенг қулоч ёзди. Ҳозирги вақтда бу ҳаракатда 26 миллиондан кўпроқ киши, яъни икки ёки уч ишчи ва хизматчининг бири қатнашмоқда. 47 минг корхона, 250 минг цех ва ферма, 1 миллион 380 минг бригада коммунистик меҳнат коллективлари деган шарафли номни олиш учун курашмоқда. 2.600 га яқин корхона, 50 мингдан кўпроқ цех, бўлим ва ферма, 400 минг бригада коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни олишга сазовор бўлди. Корхоналарда ва қурилишларда неча ўн минглаб жамоат конструкторлик бюролари, иқтисодий анализ группалари ва бошқа ижодий бирлашмалар ишламоқда. Буларда инженер ва техниклардан бир миллиондан кўпроқ киши бўш вақтларида техникани тараққий эттириш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш йўлида текин меҳнат қилмоқдалар.

Омманинг ижодий активлиги, дейди В. В. Гришин, коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш учун курашда қудратли куч бўлиб қолди. В. В. Гришин металлурглар, нефтчилар, химиклар, кончилар, машинасозлар, тўқимачилар, бинокорларнинг меҳнат қаҳрамонлигини кўрсатувчи мисоллар келтиради. Масалан, Магнитка домначилари печларни ишлатишда АҚШдаги энг яхши корхоналардагига нисбатан бир ярим баравар кўпроқ меҳнат унумдорлигига эришдилар. Нефтчилар етти йиллик бошидан буён меҳнат унумдорлигини бир ярим баравар оширдилар. Химия саноатида ўтказилаётган мусобақа шонли меҳнат зафарлари билан нишонланди. Кузбасс ва Донбасс кончилари кўмир қазиб чиқаришда жаҳон миқёсида рекордлар қўйдилар.

В. В. Гришин касаба союз ташкилотларининг ишлаб чиқариш-оммавий ва иқтисодий ишларига тўхталиб ўтади. Бу иш кейинги вақтларда анча кенгайди.

Докладда мамлакат хўжалигини тез юксалтиришга халақит бераётган бир қанча камчиликлар кўрсатилади, планларни, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳақидаги топшириқларни бажармаётган, зарар кўраётган кўпгина корхона ва қурилишлар борлиги таъкидланади.

Энг прогрессив тармоқлар ва корхоналарни устун даражада ривожлантириш коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун курашда жуда катта аҳамиятга эгадир. Аввало, химия саноати шундай соҳа деб ҳисобланади. Химия саноатида кейинги тўрт ярим йил ичида 250 янги корхона, цех ва ишлаб чиқариш вужудга келтирилди. Касаба союз ташкилотлари кейинги вақтларда химия корхоналари қурилиши қандай бораётганлигини контрол қилишга эътиборни сусайтириб юбордилар. Нефть ва химия саноати ишчилари касаба союзи Марказий комитети ҳам бу соҳада тегишлича ташаббус кўрсатмаётир. Невинномиск, Гродно азотли ўғит заводлари ва Кингисепп фосфорит кони қурувчилари, монтажчилар ва химиклари қурилиш муддатларини қисқартириш ва минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган янги қувватларни тезроқ ўзлаштириш мусобақасини бошлаб юбордилар. Уларнинг ташаббусини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш зарур.

Қудратли саноат билан бир қаторда ҳар томонлама ривожланган, ғоят маҳсулдор қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш — коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим шартидир.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан буён ўн йил ўтди. Бу Пленум қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг кенг программасини ишлаб чиқди. Шу йиллар ичида дон етиштириш 1953 йилдаги 5 миллиард пуддан 1962 йилда 9 миллиард пудгача, сут тайёрлаш 10,6 миллион тоннадан 29 миллион тоннагача, гўшт тайёрлаш 2,1 миллион тоннадан 5,2 миллион тоннагача ортди. Қишлоқ меҳнаткашлари бу йил ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. Аммо, мамлакатнинг кўп районларида об-ҳаво шароитининг жуда ноқулай келиши белгиланган миқдорда ғалла олиш имконини бермади.

Қишлоқ хўжалик йили тугалланиши натижасида бизда ғалла ресурслари аҳолининг эҳтиёжларини тўла қондириш учун етарли миқдорда бўлади. Аммо, биз ғаллани тежаб сарфлашимиз, ғаллани талон-торож қилишларга қарши кураш олиб боришимиз, магазинларда ва ошхоналарда жамоат контролини кучайтиришимиз, элеваторларда ва омборларда ғалла қандай сақланаётганлигини систематик равишда текшириб туришимиз, кенг касаба союз активини бу ишга жалб этишимиз лозим.

Ўртоқ Гришин мамлакатни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида совхозларнинг роли ўсганлиги тўғрисида гапиради. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилишда совхозларнинг салмоғи 40 процентдан ҳам ортиб кетди. Докладчи бу йил ажойиб натижаларга эришган бир қанча илғор хўжаликларни кўрсатиб ўтади.

Саноатда, қурилишда, транспортда ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган жуда катта резервлар бор. Ҳар бир корхонада, қурилишда ва совхозда, ҳар бир цех ва фермада, ҳар бир бригада ва ҳар бир иш жойида бундай резервлар бор. Бу резервларни коммунизм қурилиши манфаатлари йўлида хизмат қилдириш, деб таъкидлайди В. В. Гришин, бизнинг энг муҳим вазифамиздир. Касаба союзларининг, барча ишчи ва хизматчиларнинг бутун куч-ғайрати ана шу вазифани ҳал этишга қаратилиши лозим.

Меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш масалалари касаба союз ташкилотларининг диққат марказида туриши керак. СССРда меҳнат унумдорлиги капиталистик мамлакатлардагига нисбатан тезроқ ўсмоқда. Кўп корхоналар етти йилликнинг охирига мўлжалланган даражага ҳозирнинг ўзидаёқ эришдилар. Москва саноати, Москва область ва Ленинград иқтисодий районлари, Белоруссия, Латвия ва Эстония саноати топшириқларни муваффақиятли бажармоқда. Аммо, умуман олганда, етти йиллик планнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ҳақидаги топшириқлари қониқарли бажарилмаётир. Ўтган йили халқ хўжалиги кенгашлари корхоналарининг 20 проценти, шу йилнинг биринчи ярмида 23 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқларни бажармади.

Сўнгра, ўртоқ Гришин техника жиҳатидан нормалаш масалаларига тўхталиб ўтади. Эскириб қолган кўп нормалар ҳозир техника жиҳатидан асослаб берилган янги нормалар билан алмаштирилди. Бундай нормаларнинг салмоғи 50 процентгача ортди. Жамоатчилик асосида иш кўрувчи нормалаш бюролари касаба союз ташкилотларининг иштироки билан ташкил этилди ва кенг ривожлантирилди. Аммо, шундай бўлса ҳам, техника жиҳатидан нормалашда ҳали кўп камчиликлар бор.

Докладда ишлаб чиқаришни бошқариш ва хўжалик планларини ишлаб чиқишга меҳнаткашлар кенг жалб этилаётганлигини кўрсатувчи фактлар келтирилади. Ҳозирги вақтда 66 минг корхона ва қурилишда, 52 минг йирик цех ва совхоз бўлимларида доимий ишлаб чиқариш кенгашлари тузилган. Илғор ишчилар, инженерлар ва хизматчилардан 4 миллион 600 минг киши ишлаб чиқариш кенгашлари составига сайланди. Ишлаб чиқариш кенгашлари йил сайин бир миллионга яқин таклиф киритмоқдалар.

Иш ҳақини тартибга солиш, дейди В. В. Гришин, моддий манфаатдорлик принципини янада мустаҳкамлашга ёрдам берди. Ҳозирги вақтда ишчи ва хизматчилардан 49 миллион кишига меҳнат ҳақи тўлашнинг янги шартлари асосида ҳақ тўланмоқда. Масалан, иш ҳақи тартибга солинганидан кейин, кўмир саноатида иш ҳақи 37 процент, қора металлургияда 11 процент, химия саноатида 16 процент, темир йўл транспортида ва қурилишда 13 процент, совхозларда 21 процентдан зиёд ортди. Кам ҳақ оладиган ходимларнинг иш ҳақи айниқса кўпайди. Турли идораларда меҳнатга ҳақ тўлашдаги хилма-хилликка барҳам берилди.

Аммо, бу ишда ҳали жиддий камчиликлар бор. Баъзи корхоналар ва қурилишларда иш ҳақи системалари нотўғри татбиқ этилмоқда, бир текис ҳақ тўланмоқда, ишчиларнинг ишига тариф белгилашда, баҳо қўйишда хатоларга йўл қўйилмоқда.

Ўртоқ Гришин меҳнат шароитини яхшилаш соҳасида ғоят кенг миқёсда иш олиб борилаётганлигига тааллуқли маълумотларни келтиради. Ҳисобот даврида коллектив шартномалар юзасидангина меҳнатни муҳофаза қилишга икки ярим миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Касаба союз ташкилотлари икки миллионга яқин кишини меҳнат муҳофазаси устидан контроль ўрнатиш, хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини текшириш ишларига жалб этдилар. Тўрт йил ичида ишлаб чиқариш травматизми 25 процент камайди. Аммо, шундай бўлса ҳам, баъзи тармоқларда — кўмир, ўрмон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида травматизм ҳануз кўп учраб туради.

Бизнинг мамлакатимизда меҳнат тўғрисидаги қонунлар амалга оширилмоқда. Бу қонунлар давлатнинг ва меҳнаткашларнинг манфаатларини таъминлайди. Улар энг адолатли қонунлардир. Бу қонунларга қаттиқ риоя қилиш — маъмурларнинг ҳам, меҳнаткашларнинг ҳам муқаддас бурчидир. Аммо, бизда ишлаб чиқаришни ва меҳнатни яхши ташкил этиш чораларини кўриш ўрнига одамларни ишдан кейинги вақтларда ишга жалб этаётган, дам олиш кунларини бошқа кунларга кўчираётган ва бу билан ишлаб чиқаришда қўлдан бой берилган вақтнинг ўрнини қоплашга интилаётган хўжалик ходимлари ҳам йўқ эмас. Касаба союзлари меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя қилинишини қаттиқ контроль қилишлари керак.

Ўртоқ Гришин айтадики, Коммунистик партия уй-жой проблемасини ҳал этишга жуда катта эътибор бермоқда. Бу масала халқ фаровонлигини ошириш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо, ҳамма жойда ҳам қурилиш ҳажмини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш учун мавжуд резерв ва имкониятлардан фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Россия Федерацияси, Украина ССРнинг кўпгина областларида уй-жой қурилиши планлари қониқарсиз бажарилмоқда. Касаба союз ташкилотлари бу масалалар билан чуқурроқ шуғулланишлари, уй-жой қурилиши устидан жамоатчилик контроли таъсирини кучайтиришлари, бракчиларга нисбатан жамоатчилик фикрини туғдиришлари лозим. Уй-жой қуриш кооперациясини ривожлантиришга бутун чоралар билан ёрдам бериш зарур. Касаба союз ташкилотлари уй-жойларни тақсимлашга ишчи ва хизматчиларни кенг жалб этишлари, квартираларнинг биринчи галда уй-жойга муҳтож бўлган кадр ишчиларга — ишлаб чиқариш илғорларига, ҳалол ишловчи инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга берилишини таъминлаш лозим.

Давлат социал страхованиеси меҳнаткашларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш учун курашда, уларнинг фаровонлигини оширишда катта роль ўйнайди. Давлат социал страхованиесини бошқариш касаба союзлари зиммасига юкланган. 1959-1963 йиллар мобайнида давлат социал страхование учун қарийб 40 миллиард сўм сарф қилди. Бу— шундан аввалги 30 йил мобайнида сарф қилинган маблағга баравар дейиш мумкин. Шу йиллар ичида социал страхование маблағлари ҳисобида 21 миллиондан кўпроқ меҳнаткаш бепул ёки енгил шартлар билан шифохоналарда даволанди ва дам олди, 18 миллион бола пионер лагерларида дам олди.

Касаба союзлари давлат ёрдами билан шифохоналар шохобчаларини янада кенгайтириш, санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйлари биноларини қуриш, уларни обод қилиш соҳасида анча иш қилдилар. Касаба союз ташкилотларининг шифохоналарида дам олаётган кишилар сони 1960 йилдагига нисбатан йилига бир миллион кишидан ҳам ортиб кетди. Йигирма йил мобайнида шифохоналардаги ўринларни саккиз баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

Партия ва ҳукумат, деб уқтириб ўтади докладчи, ишлайдиган хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида, уларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқдалар. Хотин-қизларни енгилроқ ва айни вақтда етарли даражада ҳақ тўланадиган иш билан таъминлаш, ишлайдиган хотин-қизларга касб ўргатишни яхшилаш, уй-рўзғорда хотин-қизларнинг меҳнат сарфини қисқартириш ва енгиллаштириш лозим. Болалар боғчалари, яслилари, мактаб-интернатлар қурилишини, умумий овқатланишни касаба союзлари кун сайин контроль қилиб туришлари керак.

Меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш, халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш совет савдосини ривожлантириш юзасидан катта талаблар қўяди. Товар ресурсларини кўпайтириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш, товарларнинг хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга, савдо-сотиқ шохобчаларининг кенгайтирилишига, уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашга, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашга эришиш лозим.

Докладчи касаба союзларининг маданий-оқартув ишларига батафсил тўхталиб ўтади. Барча ишчилар ва хизматчиларни меҳнатга, ижтимоий ишлаб чиқаришга ғоят онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш — асосий масаладир. Касаба союзлари мусобақанинг, коммунистик меҳнат ҳаракатининг қудратли кучига таяниб ишчи ва хизматчиларни ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорларининг ижодий меҳнати намуналари асосида тарбияламоқдалар.

Ишчиларнинг йиғилишлари, ишлаб чиқариш кенгашлари, ўртоқлик судларининг тарбиявий ролини янада ошириш, ҳалол меҳнат қилганлик учун ишчи ва хизматчиларни рағбатлантириш чораларидан яхшироқ фойдаланиш ва шу билан бирга, текинхўрлар, прогулчилар, ишёқмаслар, ичкиликбозлар, безориларга қарши қатъий кураш олиб бориш керак. ВЦСПС кўп йиллар мобайнида ҳалол ишлаб келаётган ишчиларни ва хизматчиларни рағбатлантириш ҳақидаги таклифларни, шунингдек интизомни бузувчиларга қарши қаратилган тадбирларни бошқа органлар ва бошқармалар билан биргаликда ишлаб чиқди ҳамда бу таклифларни ҳукуматга тақдим этди. Жумладан, прогулчиларнинг отпуска муддатини уларнинг прогул қилган кунлари миқдорида қисқартириш кўзда тутилади.

Хўжалик ходимлари, мастерлар, бригада бошлиқлари кишиларни тарбиялаш соҳасида муҳим роль ўйнашлари керак. Афсуски, ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамма ишларни маъмуриятчилик методи билан ҳал қилишга уриниб, кун сайин тарбия ишлари олиб бормаётган хўжалик раҳбарлари ҳам бор. Бу ҳол ишга зарар етказади. Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳозирги вақтда ишчилар, хизматчилар ва колхозчилардан етти миллионга яқин киши ишлаб чиқаришда ишлаш билан бирга, ўқиб билимларини оширмоқда. Меҳнаткашлардан ўн миллиондан кўпроқ киши ҳар йили янги касбларни ўрганмоқда, ўзларининг ишлаб чиқариш малакасини оширмоқда. Меҳнаткашларнинг маданий-техника савиясини оширишнинг янги ижтимоий формалари — маданият ва техника тараққиёти халқ университетлари, илғор тажрибани ўрганиш жамоат институтлари, иқтисодий мактаблар ва шу сингарилар ташкил этилди ва ривожланиб бормоқда. Мамлакатда 10 минг маданият университети бор. Тарихда мисли кўрилмаган вазифа, яъни барча ишчилар ва деҳқонларнинг маданий техника савиясини интеллигенция савияси даражасига кўтариш вазифаси ҳал этилмоқда.

Докладчи таъкидлаб ўтганидек, касаба союзларининг маданий-оқартув муассасалари меҳнаткашлар ўртасида ғоявий тарбия ишларини олиб боришда муҳим роль ўйнайдилар. Ана шу муассасаларнинг шохобчалари тобора кўпаймоқда. Тўрт йил ичида бадиий ҳаваскорлик коллективлари сони кўпайиб, 380 мингга етди. Бу коллективларда етти миллиондан кўпроқ киши шуғулланмоқда. 350 та халқ театри ташкил этилди. Касаба союзлари мустақил равишда ва министрликлар ҳамда бошқармалар билан биргаликда ўнта марказий тармоқ газеталари, тўққизта ишлаб чиқариш-оммавий газеталар ва 60 дан кўпроқ илмий ҳамда ишлаб чиқариш-техника журналлари чиқармоқдалар.

Ҳисобот даврида касаба союз ташкилотлари ихтиёридаги спорт жамиятлари аъзоларининг сони кўпайиб, 16 миллион кишига етди. 1962 йилда турист юришларида, саёҳат ва экскурсияларда 13 миллиондан кўпроқ киши қатнашди. Касаба союзлари тўрт ярим йил ичида физкультура, спорт ва туризмни ривожлантириш учун 650 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарф қилдилар.

Ҳисобот даврида, деб таъкидлайди докладчи, касаба союзларининг бутун фаолияти демократияни, танқид ва ўз-ўзини танқидни, коллектив раҳбарлик принципларини кенг ривожлантириш асосида ташкил этди. ВЦСПС касаба союз ишларига тааллуқли масалаларни доим меҳнаткашларнинг кенг муҳокамасига қўйди. Касаба союзларининг XII съездидан кейин корхоналар ва қурилишлардаги ишчи ҳамда хизматчиларнинг йиғилишларида, шаҳар ва областлар касаба союз активларининг йиғилишларида ВЦСПСнинг фаолияти тўғрисида 300 га яқин доклад қилинди.

Ташкилотчилик ишида асосий эътибор бошланғич касаба союз ташкилотларининг ролини янада оширишга қаратилди. Ҳозирги вақтда 470 минг бошланғич ташкилот бор. Бу ташкилотлар ўзларининг бутун куч-ғайратларини ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат активлигини бутун чоралар билан ривожлантиришга, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва улардан фойдаланишга, техника тараққиётини жадаллаштиришга сафарбар қилмоқдалар.

Докладчи қуйидагиларни айтади: КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ва ВЦСПС XI пленуми қарорларига мувофиқ, касаба союз органлари қайта қурилди. Бу тадбир ижобий натижалар берди. 75 ўлка ва областда саноат ва қишлоқ касаба союз советлари тузилди. ВЦСПСда, иттифоқчи ва автоном республикалар касаба союзлари советларида касаба союз ташкилотларининг саноатда ишлаш бюролари, касаба союз ташкилотларининг қишлоқ хўжалигида ишлаш бюролари ташкил этилди. Колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларининг касаба союз комитетлари тузилди. Ана шу қайта қуриш касаба союз органларини корхона ва қурилишларга яқинлаштириш, уларнинг эътиборини ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий масалаларини ҳал этишга, меҳнаткашларга маиший, маданий хизматни яхшилашга ва уларни тарбиялашга қаратиш имконини берди.

КПСС XXII съездидан кейин, деди В. В. Гришин, касаба союз ташкилотларида жамоат асосларида ишлашни кучайтириш учун кўп иш қилинди. Фабрика-завод, район ва шаҳар касаба союз комитетларининг 95 проценти ва совхоз-колхоз ишлаб чиқариш бошқармалари касаба союз комитетларининг қарийб ярими жамоатчилик асосларида ишламоқда. Аммо, эришилган натижаларга ортиқча баҳо бериш ярамайди. Айрим касаба союз советлари ва комитетлари аввалгидек ҳозирда ҳам асосан штатли аппарат кучлари билан иш олиб бормоқдалар, баъзи касаба союз органлари эса, турли комиссияларни, штатсиз бўлимларни тузганлари ҳолда, улар билан тузук иш олиб бормаётирлар, уларнинг фаолиятига йўл-йўриқ бермаётирлар. Активларни бундан буён ҳам ишга жалб этиш, деб уқтириб ўтади докладчи, демократик принципларни ва жамоатчилик асосларини ривожлантириш — бизнинг энг муҳим вазифамиздир.

Сўнгра, ўртоқ Гришин кадрларни ва активларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларига тўхталиб ўтади, касаба союз советлари ва комитетларининг фаолияти тўғрисида гапиради.

Хўжалик юритиш мактаби бўлган касаба союзлари хўжаликка раҳбарлик қилиш ва корхоналарни бошқариш органларини тузишда актив қатнашишлари лозим. Улар энг яхши ходимларни ва энг яхши активларни хўжалик ишларига кўпроқ кўтаришлари, миллионларча кишиларни давлат ва маданий қурилишга жалб этишлари, меҳнаткашларга бошқариш малакасини ўргатишлари керак.

Совет касаба союзлари, дейди ўртоқ Гришин, партия XXII съездининг қарорларини бажара бориб, ўзларининг ташкилотчилик ва тарбия ишларини янада юксак даражага кўтарадилар, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш программасини амалга ошириш учун курашда омманинг ижодий активлигини янада ривожлантирадилар.

Докладчи совет касаба союзларининг халқаро касаба союз ва ишчилар ҳаракати бирлиги ва жипслиги учун олиб бораётган курашига катта эътибор беради. Совет касаба союзларининг бу соҳадаги бутун фаолияти меҳнаткашлар синфий бирдамлигининг мустаҳкам принципларига, ҳозирги даврни, жаҳон ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракатини марксча-ленинча таҳлил этишга асосланиб ташкил этилди. КПСС XXII съездининг қарорларида ҳозирги давр жаҳон ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракати марксча-ленинча чуқур таҳлил этилган эди.

Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари, совет касаба союзлари Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети, СССР ҳукуматининг, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг тинчликни, тинч-тотув яшаш принципларини ҳимоя қилишга қаратилган барча конкрет тадбирларини, жаҳон социалистик системасининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамма тадбирларини тўла маъқулламоқдалар ва якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

ВЦСПС Москва Шартномасини имзолаган Совет ҳукуматининг ҳаракатини тамомила маъқуллади. Совет касаба союзлари Жаҳон касаба союзлари федерациясининг Шартномани қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги баёнотини ҳам қизғин табрикладилар. Ана шу баёнот Жаҳон касаба союзлари федерациясининг бош секретари ўртоқ Луи Сайян томонидан эълон қилинган эди. Жаҳон касаба союзлари федерацияси ва унда аъзо бўлган миллий касаба союз марказларининг ғоят кўпчилиги Шартнома — ядро қуроли билан зўр бериб қуролланишнинг олдини олиш ва термоядро уруши хавфини йўқотиш учун халқлар олиб бораётган кураш йўлида биринчи реал қадамдир, деб унга юксак баҳо берди.

Тинчлик ва социал тараққиёт манфаатлари, деб сўзини давом эттиради В. В. Гришин, империализмга қарши, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда етакчи куч бўлган халқаро ишчилар синфи сафларининг бирлигини мустаҳкамлашни талаб этади. Совет касаба союзлари ҳар қандай йўналишдаги касаба союзлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, жаҳон касаба союзлари ҳаракати бирлигини тиклаш учун ҳамиша қатъий курашиб келдилар ва курашмоқдалар. Ўтган йиллар ичида совет касаба союзларининг халқаро алоқалари анча кенгайди ва мустаҳкамланди. Ҳисобот даврида совет касаба союзларининг таклифига биноан, 88 мамлакатдан 1.385 касаба союз ва ишчи делегациялари СССРга келиб кетди. Шу давр ичида совет касаба союзларининг 800 делегацияси 50 мамлакатга бориб келди.

Жаҳон социалистик системаси, дейди ўртоқ Гришин, халқларнинг тинчлик учун, империализмга қарши курашида асосий кучдир, барча мазлумлар ва асорат остига олинган кишиларнинг умидидир. Бутун жаҳондаги меҳнаткашлар бу системанинг бундан буён ҳар томонлама мустаҳкамланишидан, социалистик мамлакатлар халқларининг бузилмас жипслигидан астойдил манфаатдордирлар.

Маълумки, Хитой Компартияси раҳбарлари билан КПСС ва бошқа қардош партиялар ўртасида жиддий келишмовчиликлар рўй берди. Кейинги вақтларда Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар нормал муносабатлар бўлмай қолди. Лекин шундай аҳвол вужудга келганлигига биз айбли эмасмиз ва бунга биз ачинамиз. Барча совет кишилари каби съезд делегатларига ҳам бу масалалар аёндир. Партиямизнинг, Совет ҳукуматининг, бошқа марксчи-ленинчи партияларнинг ҳужжатлари, шунингдек Хитой Коммунистик партияси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг ҳужжатлари матбуотда эълон қилинди. Бизнинг ленинчи партиямиз 1957 ва 1960 йилларда Москвада бўлиб ўтган Кенгашларнинг Декларацияси ва Баёнотида ифодаланган позицияларда қаттиқ турибди. Бизнинг ленинчи партиямиз юз берган келишмовчиликларни бартараф қилиш учун, социалистик мамлакатларнинг бирлигини мустаҳкамлаш, халқаро ишчилар синфи барча революцион кучларини марксизм-ленинизм принциплари асосида жипслаштириш учун ҳамма чораларни кўрди ва бундан буён ҳам кўра беради.

Тараққий этган капиталистик мамлакатлар меҳнаткашларининг монополиялар ҳукмронлигига қарши олиб бораётган курашини характерлаб, В. В. Гришин бу мамлакатларда ишчилар ҳаракати ғоят юксалганлиги тўғрисида, забастовкалар кучайиб бораётганлиги ҳақида гапиради. 1958 йилда стачкаларда 27 миллионга яқин киши қатнашган бўлса, 1962 йилда уларнинг сони кўпайиб, 60 миллион кишига етди. АҚШ, Греция, Францияда ва бошқа капиталистик мамлакатларда ишчиларга қарши янги қонунлар қабул қилинди. Монополиялар ва уларга бўйсунган ҳукуматлар меҳнаткашларнинг курашини бўғиб қўйиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Биз, дейди докладчи, съезд минбарида туриб, ишчилар синфининг иши учун мард курашчиларга қардошлик саломини йўллаймиз, капиталга қарши синфий жангларда, тинчлик ва социал тараққиёт ишининг тантанаси учун курашда уларга янгидан-янги ғалабалар тилаймиз.

В. В. Гришин айтадики, касаба союзлари партия раҳбарлигида жуда катта кучга айланди. Касаба союзларининг бутун фаолияти Ленин партияси билан боғланган. Мамлакатимизнинг касаба союзлари партия теварагида вужудга келди ва ривожланди, партия раҳбарлигида шонли йўл босиб ўтди.

Ўртоқ Гришин бундай дейди: СССР касаба союзлари XIII съезди номидан жонажон партиямизни, унинг ленинчи Марказий Комитетини, ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевни яна бир марта ишонтириб айтаманки, совет касаба союзлари учун Ленин партиясининг улуғ иши йўлида курашишдан ҳам юксакроқ нарса ҳеч қачон бўлган эмас ва йўқ. Касаба союзлари ҳамиша ва ҳар соҳада партия қўйган юксак вазифаларга муносиб иш кўрадилар, коммунизм учун курашда партиянинг мустаҳкам таянчи бўладилар. Қаҳрамон ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг партияси теварагига янада маҳкам жипслашиб, омма ўртасида ташкилотчилик ва тарбия ишларини янада такомиллаштириб, касаба союзлари мамлакатимизда коммунизмнинг тўла ғалабаси учун умумхалқ курашида янада зўр ғайрат билан ишлайдилар.

* * *

МОСКВА, 29 октябрь. (ТАСС). Кремлдаги Съездлар саройида СССР касаба союзларининг XIII съезди икки кундан буён давом этмоқда.

Эрталабки мажлисда ВЦСПС раиси В. В. Гришин ва ревизия комиссиясининг раиси Я. С. Кувшинов докладлари юзасидан музокаралар давом этди. Ленинград саноат область касаба союзлари советининг раиси А. А. Слепухин, Белоруссия республика касаба союзлари советининг раиси И. Н. Макаров, Иваново областидаги «Шуйский» совхози комплекс чорвачилик бригадаси бошлиғининг ёрдамчиси З. И. Заботина, СССР йўллар министри Б. П. Бешчев, тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари касаба союзи Марказий комитетининг раиси М. А. Колбецкая, Свердловск саноат область касаба союзлари советининг раиси А. И. Биков сўзга чиқдилар.

ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ БЕШИНЧИ ЙИЛИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумида 1963 йил 25 октябрда ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Ўртоқлар!

Биз улуғ замонда яшамоқдамиз. Совет Иттифоқи халқлари Коммунистик партия ва унинг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети доно раҳбарлиги остида КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, коммунизм йўлидан шахдам қадам ташлаб бормоқдалар.

Коммунизм қурилишига совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Улар халқ хўжалигини ривожлантиришда, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар, Октябрь 46 йиллигини севикли социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлидаги меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлашга қатъий аҳд қилгандирлар.

Тошкентда очилган рус адабиёти ва санъати декадаси меҳнаткашларнинг ижодий активлигини янада ошириб юборди. Бу йилги декада — республикамиз ҳаётида тарихий аҳамиятга эга бўлган тўлқинлантирувчи воқеадир. Декада бизнинг катта ва қувончли байрамимиздир. Декада Ўзбекистон маданиятини бойитади, уни катта оғамиз, энг яқин ва қадрдон дўстимиз — улуғ рус халқи маданияти билан янада яқинлаштиради, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашга ва халқларимизнинг қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Биз ҳаммамиз Н. С. Хрушчевнинг Шимолий Кавказ қишлоқ хўжалик ходимларининг Краснодарда бўлган кенгашида сўзлаган ёрқин, чуқур мазмунли нутқи таассуроти остида яшамоқдамиз. Никита Сергеевич ўз нутқида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтиришнинг, дон экинларидан муттасил мўл ҳосил олишнинг йўлларини ва реал манбаъларини равшан белгилаб берди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқи — бизнинг жанговар иш программамиздир. Бу программани реал ишларга, янгидан-янги миллионларча пуд Ўзбекистон донига айлантириш — шон-шараф ишимиз, муқаддас бурчимиздир.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда чақириладиган Пленуми партия ва мамлакат ҳаётида муҳим воқеа бўлади.

Яқинда республикамиз ҳаётида катта воқеа рўй беради. 1964 йилда биз Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 40 йиллик юбилейини ва Ўзбекистон ССР ташкил топган куннинг 40 йиллигини нишонлаймиз. Бу, республикамиз меҳнаткашлари учунгина эмас, балки Совет Иттифоқи халқларининг бутун қардошлик оиласи учун ҳам катта ва шодиёна байрам бўлади.

Ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир коммунист ва комсомолнинг, шаҳар ва қишлоқлардаги ҳар бир меҳнаткашнинг вазифаси — Улуғ Октябрь 46 йиллигини ва КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленумини муносиб кутиб олишда, Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССР 40 йиллиги юбилейини халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини ривожлантиришда юксак кўрсаткичлар билан нишонлашдан иборатдир.

САНОАТ ВА ҚУРИЛИШНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРАЙЛИК

Ўртоқлар!

Совет Ўзбекистонининг саноати ҳозир янги юксалиш палласида турибди. Саноат шахдам қадамлар билан ривожланмоқда. Республика саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тўққиз ойлик планини 103 процент бажарди. Пландан ташқари бир неча ўн миллион сўмли маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш плани ҳам ортиғи билан адо этилди. Бу ғоят катта ғалабадир, ўртоқлар.

Саноатимизда катта ўзгаришлар рўй берди. Саноат техника тараққиёти йўлида олға қараб яна бир қадам ташлади. Эскириб қолган кўпгина ускуналар ўрнига янгилари ўрнатилди, кўпгина рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Ўзбекистонда капитал қурилиш кенг қулоч ёзди. Бу йил янги корхоналар қуриш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобига бизда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги ишлаб чиқариш қувватлари ўсди. Ишга тушириладиган объектларнинг ҳаммасида ҳозир катта ва жиддий иш олиб борилмоқда. Уй-жой қурилиши соҳасида силжиш бўлди.

Кейинги вақтларда бизда капитал қурилишга муносабат ўзгарди ва биз қурилиш иши билан астойдил шуғуллана бошладик. Бу иш эса жуда муҳимдир. Капитал қурилиш — ишлаб чиқарувчи кучлар ўсишининг гарови, меҳнат унумдорлигини оширишнинг гарови, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг гаровидир. Капитал қурилиш-ободончилик, совет кишиларининг қувончи ва бахти демакдир.

Бироқ баъзи кишилар ҳалигача буни чуқур билиб олганлари йўқ. Бизда саноат ишида ҳам, капитал қурилишда ҳам катта камчиликлар бор. Мен саноат ишини янада яхшилашни ва капитал қурилиш суръатларини жадаллаштиришни таъминлаш учун ана шу камчиликларни тезроқ бартараф этиш зарурлигига эътиборни жалб қилиб ўтмоқчиман.

Кўпгина корхоналарнинг планни бажармаётганликлари саноат ишидаги энг катта камчилигимиздир. Мана бу маълумотларга назар ташланг: республиканинг 170 саноат корхонаси тўққиз ойлик планни бажармади ва 16 миллион сўмлик кам маҳсулот берди. Булар орасида халқ хўжалиги кенгашининг 69 корхонаси, «Узсельхозтехника» республика бирлашмасининг 23 корхонаси, республика қурилиш ташкилотларининг 19 корхонаси, ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг 8 корхонаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг 7 корхонаси, маданият министрлигининг 7 корхонаси бор.

Планларни систематик тарзда бажармай келаётган корхоналар асосан қаерда жойлашган? Бу корхоналар аввало Тошкент областида жойлашган. Бу областда 54 корхона тўққиз ойлик планни бажармади. Фарғона областида 20 корхона, Самарқанд областида 19 корхона ва Сурхондарё областида 18 корхона планни бажармади. Бошқа областларда ҳам планни узлуксиз бажармай келаётган ва давлатга анчагина миқдорда кам маҳсулот бераётган корхоналар бор.

Бунинг сабаби нима? Энг биринчи сабаби шундаки, бир қанча корхоналарда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми паст, бу корхона раҳбарларининг партия ва халқ олдидаги жавобгарликни ҳис қилиш туйғуси эса ўтмаслашиб қолган, улар партия ва давлат интизомини бузмоқдалар. Худди шунинг натижасида аввало меҳнат унумдорлигини ошириш планлари кўпинча бажарилмай қолаётир, корхоналар бир меъёрда ишламаётир.

Бунинг яна бир сабаби шундаки, бизда саноат корхоналарининг иши устидан чинакам партия контроли ўрнатилмаган. Кўпгина партия ташкилотлари корхоналардаги ишнинг аҳволи учун жавобгарлик ҳис қилмаётирлар, уларнинг ишини контроль қилмаётирлар, бунинг оқибатида ой ва йилнинг охирида планнинг бажарилмаганлигини қайд қилишга мажбур бўлмоқдалар. Бир қанча корхоналаримизда қолоқликка қарши, ишлаб чиқариш планларини тўла ва ошириб бажариш учун курашга партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ҳали астойдил киришганлари йўқ.

Саноат корхоналарининг орқада қолишларига кўп жиҳатдан шу нарса ҳам сабаб бўлмоқдаки, уларнинг кўпларида моддий техника таъминоти ва молия иши яхши йўлга қўйилмаган, ички резервлар етарли ўрганилмаётир ва улардан тўла фойдаланилмаётир, партиявий-сиёсий ишлар яхши ташкил этилмаган.

Бундай аҳволга энди чидаб туриш мумкин эмас. Область партия ташкилотлари, шаҳар ва район партия комитетлари қолоқ корхоналарни илғорлар даражасига етказиб олиш учун, бу йил бизда планни бажармаган бирорта ҳам корхона бўлмаслиги учун энг шошилинч чораларни кўришлари зарур. Бунинг учун меҳнатни ва ишлаб чиқариш процессларини ташкил этишни яхшилаш, пухта ва узлуксиз моддий техника таъминотини йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришнинг ҳамма ички резервларини ҳаракатга келтириш, партия-давлат контролини кучайтириш, оммавий-сиёсий иш савиясини кўтариш керак.

Капитал қурилиш соҳасида йирик камчиликлар бор. Бу соҳада биз қолоқликка қолишга йўл қўйдик.

Капитал қурилиш планини кимлар бажармаяпти? Қурилиш ишларининг календарь муддатларига кимлар риоя қилмаяпти? Ойлик планларнинг бажарилмаслигига кимлар сабабчи бўлмоқда? Тўққиз ойлик планни ҳаммаси бўлиб 59 процент бажарган сув хўжалиги министрлиги (ўртоқ Билбас), 51 процент бажарган савдо министрлиги (ўртоқ Саримсоқов), 66 процент бажарган алоқа министрлиги (ўртоқ Шарков), 66 процент бажарган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги (ўртоқ Эргашев), 43 процент бажарган «Узглавстрой» (ўртоқ Каримов), 44 процент бажарган нефть маҳсулотлари билан таъминлаш ва реализация қилиш бош бошқармаси шу ташкилотлар жумласидандир.

КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати бизга капитал қурилиши учун жуда катта маблағ ажратмоқда. Бу маблағлар бизнинг планларимизда назарда тутилган. Лекин биз ажратилаётган маблағларни шу тарзда ўзлаштирадиган бўлсак, планнинг бажарилишини барбод қилишимиз мумкин, бу эса ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга, республикамиз халқ хўжалигини ривожлантиришга халақит беради.

Биз бу ҳақда чуқур мулоҳаза юритишимиз ҳамда камчиликларни бартараф этиш юзасидан, қурилиш ишлари суръатларини тезлаштириш юзасидан энг қатъий чораларни кўришимиз керак. Ишга тушириладиган объектлар қурилишини тезроқ тугаллашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ишга туширилиши керак бўлган объектлар, айниқса химия корхоналари қурилиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишимиз зарур.

КПСС Марказий Комитети, шахсан Никита Сергеевич Хрушчев химия саноати корхоналари қурилишини тазлаштиришга доимо эътиборимизни жалб қилиб келмоқда.

Бизда бу соҳадаги ишлар қандай бораётир? Ҳозирча уларни қониқарли деб бўлмайди. Фарғонадаги азотли ўғит заводи тўққиз ойлик планни бажармади, Навоий химия комбинатида қурилиш плани бажарилмаётир. Чирчиқ электрохимия комбинатида карбомид цехини ишга тушириш плани бажарилмаётир, Қўқон ва Самарқанд суперфосфат заводлари қурилиши чўзиб юборилаётир, биз Олмалиқ аммофос заводи қурилишига ҳалигача киришганимиз йўқ.

Буларнинг ҳаммаси жиддий ташвиш туғдирмоқда. Биз химия саноатининг ривожланишига бундай муносабатда бўлишга тоқат қилиб тура олмаймиз.

Химия — ўғит демак, химия — мўл ҳосил демак, химия — пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари демак, химия — Ватанимиз бойлиги демакдир. Шунинг учун ҳам Никита Сергеевич Хрушчев химия саноатини ривожлантиришни ҳар томонлама тезлаштириш ва минерал ўғит ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ҳақида таклиф киритди. Ҳозир биз 20 миллион тонна ўғит ишлаб чиқараётган бўлсак, 1970 йилда 100 миллион тонна ўғит ишлаб чиқаришимиз керак.

Ҳозир ишга туширилиши керак бўлган объектлар, айниқса химия корхоналари қурилишини тезроқ тугаллаш, уларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш — кечиктириб бўлмайдиган вазифамиздир. Биз Фарғонадаги азотли ўғитлар заводи, Самарқанд ва Қўқон суперфосфат заводлари қурилишини жадаллаштиришимиз, Олмалиқ аммофос заводи қурилишига дарҳол киришишимиз. Навоий химия комбинати қурилишини тезлаштириш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети химия корхоналари қурилишини, ишга туширилиши керак бўлган ҳамма объектларни алоҳида контроль остига олдилар. Бу объектлар доимо барча партия комитетларининг диққат марказида бўлиши керак. Область, шаҳар, район партия комитетларининг ва саноат-ишлаб чиқариш партия комитетларининг секретарлари бу объектларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши учун шахсан жавобгар бўлишлари керак. Бу йил биз ишга тушириладиган кўпгина объектларни фойдаланишга топширишни мўлжаллаб қўйганмиз, зотан улар бу йил совет халқига маҳсулот бера бошлашлари лозим.

Биз рангли металлургияни ривожлантириш юзасидан катта ишларни амалга оширишимиз керак. Бизда жуда катта мис запаслари бор ва биз уни халққа хизмат қилдиришимиз зарур. Бу йил биз Олтинтопган комбинатида мис эритиш заводининг биринчи навбатини ишга туширишимиз керак. Бу ғоят катта аҳамиятга эга бўлган ишдир. Кейинчалик эса мис бойитиш фабрикасининг иккинчи навбати қурилишини авж олдириб юбориш ва мис заводи қувватини ошириш керак бўлади.

Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати қурилишини ҳам тезлаштириш зарур. Ҳозирча бу ерда иш яхши бормаётир.

Оҳангарон ГРЭС қурилишидаги аҳвол билан ҳам мақтана олмаймиз. Тошкент ёғ-мой комбинати қурилишининг ниҳоятда суст бораётганлиги ва унинг бу йил ишга туширилиши хавф остида қолаётганлиги учун ҳам ҳаммамиз жавобгармиз. Ана шу объектлар қурилишини тезлаштириш ва уларни фойдаланишга топшириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз керак.

Ишга туширилиши керак бўлган объектлар қурилишининг ўз вақтида тугалланиши учун министрликлар, бошқармалар ва қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш, бутун куч, бутун имкониятларни сафарбар этиш, ана шу корхоналарда ишни уч сменада ташкил этиш зарур. Область, шаҳар, район партия комитетлари ва саноат-ишлаб чиқариш партия комитетлари ишга тушириладиган объектлар қурилишини алоҳида контроль остига олишлари, бу объектларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши учун тадбирлар кўришлари керак.

Уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилишининг суръатини тезлаштириш ва сифатини ошириш лозим. Қишлоқ қурилишига жуда зўр эътибор беришимиз талаб қилинади.

ПАХТА ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК, СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИМИЗНИ ТЕЗРОҚ БАЖАРАЙЛИК

Биз бугун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида республика учун жуда муҳим бўлган масалани — пахта териш ва тайёрлашни жадаллаштириш масаласини муҳокама қилдик. Пахта мамлакатимиз учун нечоғлик қимматли эканлигини яхши биласиз, Никита Сергеевич Хрушчевнинг образли таъбирича, пахта олтиндан ҳам қимматлидир. Пахтакорларнинг фидокорона меҳнати натижасида етиштирилган мўл ҳосилни мумкин қадар тезроқ йиғиштириб олиш учун ҳозирги пайтда бутун кучларимизни сафарбар қилишимиз, зўр уюшқоқлик билан ишлашимиз ва барча имкониятлардан фойдаланишимиз керак. Шуни эсда тутиш керакки, октябрь ойи тугаб бораяпти, об-ҳавонинг айниши кутилаяпти. Кун совиб ёғингарчилик бўлиши орқасида ноябрь ойида қўшимча қийинчиликларга дуч келишимиз мумкин. Бунга йўл қўймаслик ва ёғингарчилик бошланишига қадар пахта теримини тамомлаш учун ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар куннигина эмас балки ҳар бир соат, ҳар бир минутни ҳам ғанимат билиш, техникадан энг яхши фойдаланиш ва барча одам кучи ресурсларини сафарбар қилиш керак.

Давлатга шу пайтгача қарийб уч миллион тонна пахта топширилди. Бу — қишлоқ меҳнаткашларининг катта хизматидир. Давлатга яна бир неча юз минг тонна пахта топшириш керак. Бу ишни жуда қисқа муддатларда бажариш лозим.

Биз бугун область партия комитетлари секретарларининг ахборотларини маълумотга олдик. Улар ҳар бир областнинг пахта териш ва тайёрлашни қачон тугаллашларини айтиб бердилар. Бу муддатлар реал муддатлардир. Бунинг устига биз ана шу муддатларни яна қисқартириш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги вақтда Андижон, Фарғона, Сурхондарё областларида терим суръатлари яхши бормоқда. Биз бу областларнинг партия ташкилотларига мурожаат қилиб, уларни янада зўр ғайрат билан меҳнат қилишни таъминлашга, терим суръатларини янада кўтаришга даъват этамиз. Ана шу уч область пахта етиштирувчи энг йирик областлардир. Бутун республика, бутун мамлакат уларнинг муваффақиятларини завқ билан кузатиб бормоқда.

Илғорларнинг тажрибаси бизда терим ишларини ўз вақтида тугаллаш ва олинган мажбуриятларни бажариш учун жуда катта имкониятлар борлигини исбот қилади. Бу йил Ғузор, Косон, Оққўрғон, Ўзбекистон, Москва, Марҳамат, Киров ишлаб чиқариш бошқармаларининг меҳнаткашлари фидокорона меҳнат қилдилар. Улар планни бажарганликлари тўғрисида рапорт берибгина қолмай, балки қўшимча мажбуриятлар ҳам олдилар ва ҳозирги пайтда суръатни пасайтирмай, терим ишларини зўр ғайрат билан давом эттирмоқдалар.

Барча областларда ўз бурчини фидокорона бажаришнинг ажойиб намуналарини кўрсата оладиган хўжаликлар оз эмас.

Ҳозирги кунда илғор совхозларимизнинг муваффақиятларини тақдирлаб ўтишимиз керак. Бу совхозларнинг коллективлари коммунистларча меҳнат қилиб, олинган мажбуриятларни шараф билан бажара олишларини намойиш қилдилар. Бутун республикага донги кетган «Совой», Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли, «Бешариқ», Киров номли совхозлар (Фарғона области), «Ғанибод», «Комсомол», «Рометан», Герман Титов номли, Карл Маркс номли, Партия XX съезди номли совхозлар (Сурхондарё области) ана шундай катта муваффақиятларга эришдилар. Улар олган мажбуриятларини бажариб, эндиликда бутун ҳосилни йиғиштириб олиш учун фидокорона курашни давом эттирмоқдалар.

Фарғона областидаги Охунбобоев номли, Киров номли, «Москва» колхозлари, Андижон областидаги «Правда Востока», «Коммунизм», «Ленинград», «Победа» колхозлари, Бухоро областидаги Ленин номли, 1 Май номли, Ильич номли колхозлар, Сурхондарё областидаги Карл Маркс номли, Ленин номли, Фрунзе номли колхозлар, Қорақалпоғистон АССРдаги «Ўзбекистон», «Коммунизм» колхозлари, Хоразм областидаги Свердлов номли, Ленин номли, Киров номли колхозлар, Сирдарё областидаги «Путь к коммунизму», «III Интернационал», «Ленинград» колхозлари, Самарқанд областидаги «Чимбойобод», «Комсомол» колхозлари, Тошкент областидаги «Политотдел», Охунбобоев номли, «Полярная звезда» колхозлари ва бошқа кўп колхозлар пахта тайёрлаш соҳасидаги вазифаларини жуда яхши бажардилар.

Бу хўжаликларнинг партия ташкилотлари сиёсий ва ташкилотчилик ишини бир-бири билан мустаҳкам боғлаб олиб бориб, дала меҳнаткашларини пахта учун фидокорона курашга отлантира олдилар ва Ватан олдидаги ўз бурчларини шараф билан бажардилар.

Никита Сергеевич Хрушчев, аввало, машина билан дўстлашиб, иноқлашиб кетган киши, сўзда эмас, балки амалда ҳақиқатан ҳам техника тараққиёти тарафдори бўлган киши муваффақият қозонади, деган эди. Турмуш Никита Сергеевич Хрушчевнинг ана шу кўрсатмалари нақадар доно кўрсатмалар эканлигини яна ва яна бир марта кўрсатди.

Бу йил кўп колхоз ва совхозларда машинада пахта теришга нисбатан сезиларлик бурилиш ясашга муваффақ бўлинди. Шу пайтгача машиналарда қарийб 500 минг тонна пахта териб олинди.

Республикада энг ёш область деб ҳисобланган Сирдарё областининг эришган муваффақиятлари айниқса қувончлидир. Бу областда қўриқ ерларга кескин ҳужум давом эттирилмоқда. Сирдарё областида машинанинг қадрига етдилар, энг яхши механик-ҳайдовчиларнинг тажрибасини пропаганда қилишни кенг миқёсда кучайтира олдилар, меҳнатни тўғри ташкил этишга муваффақ бўлдилар. Натижада катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу областда машинада пахта териш плани 20 кун ичида бажарилди. Пахта териш машиналарининг бункерларидан 135 минг тонна «оқ олтин» хирмонга тўкилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳозирги вақтда Сирдарё область партия комитети билан биргаликда шу областда пахта етиштиришни комплекс механизациялаш тадбирларини ишлаб чиқмоқда. Бу область терим ишларини механизациялаштиришда республикамиз учун, бутун мамлакат учун машъал бўлиб қолади.

Сурхондарё областининг механизаторлари иш суръатларини анча тезлаштирдилар, Тошкент ва Андижон областларининг механизаторлари машина теримини муваффақиятли олиб бормоқдалар. Биз ана шу областларнинг механизаторларини, «зангори кема» капитанларини чин кўнглимиздан қутлаймиз.

Киров ишлаб чиқариш бошқармаси (Сирдарё области), Сирдарё. Янгиер, Оққўрғон, Қўрғонтепа ишлаб чиқариш бошқармаларининг машинада пахта териш планини анча ошириб бажарган механизаторларининг шонли ишлари бизни астойдил қувонтиради.

Илғор областлар, ишлаб чиқариш бошқармалари, кўпгина колхоз ва совхозларнинг эришган муваффақиятлари шу қадар кўзга яққол ташланиб турибдики, эндиликда машинада пахта теришнинг аҳамиятини пасайтиришга журъат эта оладиган киши топилмаса керак. Ўртоқлар, техникани эгаллаб олган кишилар қандай мўъжизалар яратишга қодир эканликларига бир назар солингиз. «Совой» совхозида пахта териш плани 20 кун ичида бажарилди, шу билан бирга бутун пахтанинг 90 проценти машинада териб олинди. Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли совхоз ҳам катта муваффақиятларга эришди.

Биз худди ана шу йўлдан боришимиз керак, ўртоқлар. Биз шу йўлдан — терим ишларини механизациялаш йўлидан борар эканмиз, ёмғир ҳам, қор ҳам, бўронлар ҳам бизга қўрқинчли эмас. Бундан ташқари, механизациялаш — совхозларни рентабел хўжаликларга айлантиришнинг ҳал қилувчи шартидир. Биз барча совхозларнинг рентабелли бўлиб, фойда келтиришларига эришмоғимиз лозим.

Мен бу ерда «зангори кемалар» жасур капитанларининг, шонли машъалларимизнинг номларини айтиб ўтишни истар эдим. Мана, Жавот Кўчиев ҳозиргина бу ерда сўзга чиқиб, машинада 300 тоннадан кўпроқ пахта терганлигини айтди. Бу жуда яхши, жуда қувончли ютуқдир. Турсуной Охунова, Меликўзи Умурзоқов, Мамажон Дадажонов, Ғулом Ғафуров, Юсуф Бекулов, Инобат Охунова, Виктор Резненко, Светлана Продан, Шоймардон Қудратов, Марьям Олланиёзова, Бозор Отабоева ва бошқа кўп кишилар ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Булар пахтакорларимизнинг ифтихори ва шон-шуҳратидир.

Аммо, биз барча хўжаликларнинг машъаллар бўлишига эришмоқ учун қўлимиздан келган ҳамма чорани кўрдикми? Биз теримни ва давлатга пахта топширишни тезликда тугаллаш учун барча имконият ва резервлардан фойдаланиб, уларни ишга сола олдикми? Йўқ, ўртоқлар. Агар кўп камчиликларга йўл қўйилмаганида, сиёсий ва ташкилотчилик ишимиз юксак даражага кўтарилганида республикада пахта тайёрлаш суръатларини анча жадаллаштириш мумкин бўлур эди.

Объектив сабабларни баҳона қилиш ҳар қандай танқиддан ҳам тубан эканлигини практика яна бир марта кўрсатди. Ҳамма нарса кишиларга, уларнинг ишни ташкил эта билишларига боғлиқдир.

Аввало, пахта териш машиналаридан фойдаланишни қатъий суратда яхшилаш керак. Ҳолбуки, машиналарнинг иш унуми ҳануз жуда паст, машиналарнинг талайгина қисми ишлатилмай бекор ётибди. Механизацияга қарши кайфиятларга ҳали бутунлай барҳам берилган эмас.

Антимеханизаторлар ва консерваторлар ўз фикрларини ошкора айтадиган пайтлар ўтиб кетган, албатта. Аммо, Қорақалпоғистонда, Бухоро областида учраётган фактлар объектив суратда шуни кўрсатадики, бир қанча хўжаликларда техникага қараб юз ўгиришни истамаётирлар, баъзи жойларда пахтани машинада теришнинг ҳақиқатан ҳам буюк революцион аҳамиятини тушунишни истамаётган кишилар ҳали ҳам бор. Область партия комитети индамай тураберганлиги учун бундай одамлар парвойи палак бўлиб юришибди.

Биз область партия комитетларининг, шахсан Камолов ва Матчонов ўртоқларнинг эътиборини бунга жалб этамиз ва улардан антимеханизаторларни қатъий фош қилиб ташлашни, пахта териш машиналарининг ғоят унумли ишлашини таъминлашни талаб қиламиз.

Қўл билан пахта теришни кескин суратда кучайтириш, барча одам кучи резервларини далага сафарбар қилиш керак. КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси ўртоқ В. Г. Ломоносов шу пленумда сўзлаган нутқида ҳозир барча кучларни далага сафарбар қилиш керак, деб жуда тўғри айтди, чунки планнинг бажарилиши яқин 10—15 кунга боғлиқдир. Лекин шунга қарамай, бир қанча областларда, хусусан, Бухоро, Тошкент, Сирдарё областларида, Қорақалпоғистон АССРда бирталай кишиларнинг теримга чиқмаётганликларини кўрсатадиган фактлар бор.

Бундай аҳволга асло тоқат қилиб бўлмайди. Область партия комитетларидан, шаҳар партия комитетларидан, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетларидан барча кишиларнинг пахта теримига чиқарилишини таъминлашни, олинган мажбуриятларни бажариш учун, 3 миллион 566 минг тонна пахта олиш учун курашга яна неча ўн минглаб кишиларнинг жалб этилишини таъминлашни талаб қилиш керак.

Иштихон, Каттақўрғон, Амударё, Шеробод, Термиз ишлаб чиқариш бошқармалари ва бошқа бир қанча ишлаб чиқариш бошқармаларида ишни яхши йўлга қўйиш учун жуда кескин ва қатъий чоралар кўриш лозим. Ана шу бошқармаларнинг раҳбарлари, партия комитетларининг секретарлари яхши ишламаётганликлари туфайли бутун республикани орқага сурмоқдалар. Шу тўғрида буларни огоҳлантириб ўтиш керак.

Бизда умуман битта ҳам қолоқ хўжалик бўлмаслиги керак. КПСС Марказий Комитети, шахсан Никита Сергеевич Хрушчев қолоқ колхозларни илғорлар даражасига кўтариш йўлларини бизга кўрсатиб бердилар. Уларнинг кўрсатмалари бизнинг ишимиз учун программадир.

Қандай вазифа ҳал этилаётганлигидан, бу вазифа қанчалик мураккаб бўлишидан қатъий назар, коммунистлар ва комсомоллар уни амалга ошириш учун курашувчиларнинг доим биринчи сафларида бормоқдалар. Уларнинг авангардлик роли, қаҳрамонона меҳнати ҳамма учун илҳомбахш намунадир. Республикамизнинг коммунистлари ва комсомоллари кўпгина шонли ишларнинг ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқмоқдалар, фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдаларки, биз бу билан фахрлана оламиз.

Аммо, айрим коммунистлар ва комсомоллар ўз бурчларини, ўз зиммаларидаги жавобгарликни унутиб қўймоқдалар. Пахта учун курашнинг ҳал қилувчи пайти келган ҳозирги вақтда коммунистлар билан комсомолларнинг ўрни далададир.

Коммунистлар ва комсомоллар ўзлари яхши ишлабгина қолмай, балки оммавий-сиёсий ишнинг ташкилотчилари, фаол агитатор ва пропагандист, омманинг мураббийлари бўлишлари ҳам керак.

Партия ташкилотлари сиёсий иш билан ташкилотчилик ишини моҳирлик билан қўшиб олиб боришлари, социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари, барча меҳнаткашларни олинган мажбуриятларни бажариш учун курашга отлантиришлари лозим.

Ўртоқлар! Давлат манфаатлари мумкин қадар кўпроқ пахта топширишнигина эмас, балки энг яхши навлардаги пахта топширишни ҳам талаб этади. Ҳолбуки, бир қанча жойларда пахтанинг сифати тўғрисида мутлақо ўйлаб кўрмайдилар. Кўпгина тайёрлаш пунктлари ва пахта заводларида қуритиш-тозалаш цехлари мутлақо қониқарсиз ишламоқда.

Партия комитетлари ва ишлаб чиқариш бошқармалари бундан бехабар деб ўйлайсизми? Улар бундан, албатта, хабардорлар, аммо бунга эътибор бермаётирлар, давлат манфаатларини назар-писанд қилмаётган кишиларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрмаётирлар. Бу — асло тоқат қилиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Бундай ҳолларга ўрин бўлмаслиги керак. Қуритиш-тозалаш цехларининг уч сменада ишлашини дарҳол таъминлаш ва даркор бўлиб қолган тақдирда газ сушилкаларини ҳам ишлатиш керак.

Пахтани териш, ташиш вақтида ҳосилнинг нобуд бўлишига қарши ҳануз тегишинча кураш олиб борилмаётир, пахтанинг пайҳон қилинишига барҳам берилган эмас. Дуруст, бу тўғрида гап сўз кўп. Аммо қуруқ гапдан ишга ҳеч қандай манфаат йўқ. Энг қатъий чоралар кўриш керак. Пахтанинг ҳар граммини авайлаб сақлаш учун курашга бутун жамоатчиликни, барча меҳнаткашларни отлантириш керак.

Пахта қимматли, жуда қимматли хом ашёдир, ўртоқлар. Аммо, биз уни энг кам куч ва маблағ сарф қилган ҳолда етиштиришимиз лозим. Сарфлар нечоғлик кам бўлса, шу қадар кўп фойда олинади, хўжалик ҳам шу қадар рентабелли бўлади.

Шу кунларда ҳеч қандай хато ва нуқсонларга йўл қўйиш мумкин эмас. Барча пахта ҳосилини йиғиштириб олиш учун бутун куч-ғайратимизни, бутун тажрибамизни сарфлашимиз лозим. Партия активларининг ҳаммаси далага чиқишлари керак. Омманинг ижодий активлигини таъминлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун мусобақани авж олдириш — бизнинг бурчимиздир.

БИР ЙИЛДА ИККИ МАРТА ҲОСИЛ ЕТИШТИРИБ, ҲАР ГЕКТАРИДАН 100 ЦЕНТНЕР ДОН ОЛАЙЛИК

Ўртоқлар! Пахтачиликни юксалтириш билан бир қаторда дон хўжалигини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлган проблемадир. Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев Шимолий Кавказ қишлоқ хўжалик ходимларининг Краснодардаги кенгашида сўзлаган нутқида бундай деди: «Ҳаммамиз шу фикрга асосланамизки, дон хўжалиги бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг негизини ташкил қилади. Бинобарин, дон етиштиришни кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш партиянинг диққат марказида турмоғи керак».

Никита Сергеевич Ўзбекистон донни кам етиштирмоқда, суғориладиган ерларда дон хўжалигини ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаяпти, деб ҳаққоний гапирди.

Республика партия ва комсомол ташкилотлари Никита Сергеевичнинг кўрсатмалари ва маслаҳатларини юракка жо қилиб, уларни амалга оширишга киришдилар.

Бизда ғаллакорларнинг республика кенгаши, область комсомол комитетларининг пленумлари ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми ўтказилиб, республикада дон етиштиришни кўпайтириш имкониятлари батафсил муҳокама қилинди. Бу масала Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиумида қараб чиқилди.

Никита Сергеевич Хрушчевнинг кўрсатмаларига мувофиқ ва республикада катта-катта резервлар борлигини назарда тутиб, экин майдонларини кенгайтириш ҳамда дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди.

Республикада дон етиштиришни 1964 йилда 115 миллион пудга, 1965 йилда 160 миллион пудга, 1970 йилда эса 400 миллион пудга етказиш мўлжалланмоқда. Бу вазифани биз пахтачиликка путур етказмасдан уддалашимиз керак.

Ана шу катта вазифани бажаришда КПСС Марказий Комитети, Иттифоқ ҳукумати бизга бирталай ёрдам бермоқда. Никита Сергеевич Хрушчевнинг ғамхўрлиги туфайли республикага энг яхши буғдой навларининг уруғлари ва зарур моддий-техника воситалари ажратиб берилди. Гап ўзимизга, ўзимизнинг уюшқоқлигимизга боғлиқ бўлиб қолди.

Республика комсомоллари ва ёшлари дон хўжалигини юксалтириш учун курашга каттагина ҳисса қўшиш мажбуриятини олишди. Улар бир йилда дон экинларидан икки марта ҳосил етиштириб, ҳар гектаридан юз центнер дон олиш учун курашажакларини эълон қилиб, ажойиб ташаббус бошлаб беришди.

Никита Сергеевич Хрушчев ўзининг Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССРдаги барча комсомоллар, ёш колхозчилар, совхоз ишчилари, олимлар ва қишлоқ хўжалик мутахассисларига юборган хатида Ўзбекистон ёш ватанпарварларининг ташаббусини қизғин қувватлаб, улар ўз сўзларининг устидан чиқадилар, суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан юз центнер дон олиш учун бошланган ҳаракат оммавий ҳаракатга айланади ва 1964 йилдаёқ мўл самаралар беради, деб ишонч билдирди.

Никита Сергеевичнинг хати ёш ватанпарварларда, республиканинг барча меҳнаткашларида меҳнатдаги активликни янада кучайтириб, уларни дон етиштиришни кўпайтириш тадбирларини амалга ошириш учун фидокорона курашга руҳлантириб юборди.

Бу тадбирлар эса катта ва масъулиятли вазифаларни ҳал қилишни кўзда тутади. Бошоқли ва дуккакли дон экинлари, шоли, маккажўхори ва оқ жўхори етиштиришни дон экинлари майдонини кенгайтириш ва ҳар гектар ердан мўл ҳосил олиш йўли билан кўпайтириш масалалари ана шу тадбирларда ўз ифодасини топган. Бизнинг республикамизда дон экинлари майдони аввало, суғориладиган ерларда, шунингдек лалмикор ерларда кенгайтирилади.

Кузги экинлар экиш дон ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан яқинда биз 1327, 5 минг гектарга, яъни бу йилгидан қарийб икки баравар кўп ерга кузги экинлар экиш тўғрисида махсус қарор қабул қилдик. Кузги экинларнинг кўп экилаётгани агротехника тадбирлари тўғри амалга оширилган тақдирда дон экинлари ҳосилини анча оширишга ёрдам беради.

Лекин огоҳлантириб қўяйликки, экиш иложи борича тезроқ тамомланиши керак. Шундагина муваффақиятга эришилади. Бу ерда баъзи одамлар экишни 10—15 ноябргача тамомлаймиз, дейишди. Экишни бундай чўзиб юборишингизга ҳеч ким йўл қўймайди. Келгуси йил ҳосилини хавф остига солиб қўйиш керак эмас.

Ғаллачилик бригадаларига одамларни, айниқса бригада бошлиқларини танлаб олишга жуда синчиклаб қараш керак. Энг яхши одамларни танлаб олиб, уларнинг номзодларини партия ва комсомол ташкилотларида муҳокама қилиш лозим. Бир йилда икки марта ҳосил етиштириб, ҳар гектаридан 100 центнер дон олиш учун кураш — зўр сиёсий аҳамиятга эга бўлган ишдир, бинобарин бу ишни ишончли қўлларга топширмоқ керак.

Шоли суғориладиган дон экинлари орасида жуда муҳим ўрин тутади. Республикамизда шоликорликни ривожлантириш учун катта-катта имкониятлар бор.

Тузилган тадбирларда шолипоя майдонларини 1964 йилда 70 минг гектарга, 1965 йилда 115 минг ва 1970 йилда 376 минг гектарга етказиб кенгайтириш кўзда тутилади, шоли етиштириш эса 1964 йилда 15,8 миллион пудга ва 1970 йилда 100 миллион пудга етказилмоғи керак.

Ана шу вазифани ҳал қилиш учун 1963 — 1965 йилларда 18 та шоликор совхоз, 5 та бўлим ва 3 та колхоз, 1965—1970 йилларда 42 та совхоз тузиш мўлжалланмоқда. Бу — жуда катта пландир.

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА).

Ўрток Ш. Р. РАШИДОВ нутқининг охири

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА).

Шолипоя майдонлари асосан Қорақалпоғистон АССР территориясидаги Амударё дельтасида кенгайтирилади, бу жойда шоли етиштириш учун шароит жуда қулай бўлиб, бепоён қўриқ ер массивлари бор. Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм, Фарғона областларида ва республиканинг бошқа областларида экин майдонларини кенгайтириш йўли билан ҳам дон етиштириш кўпайтирилади.

КПСС Марказий Комитети билан Иттифоқ ҳукумати бизнинг тадбирларимизни қараб чиқиб маъқуллашди. Биз бу тадбирларни шараф билан бажармоғимиз керак.

Ўртоқлар! Биз дон проблемасини ҳал қилар эканмиз айни маҳалда чорва учун мустаҳкам емхашак базаси яратиш вазифасини ҳам ҳал қиламиз. Ем-хашак бўлса — гўшт ҳам, сут ҳам, жун ҳам, қоракўл тери ҳам, бошқа чорва маҳсулотлари ҳам бўлади, чорванинг туёғи кўпайиб, маҳсулдорлиги оша беради.

Афсуски, ходимларимизнинг маълум қисми буни ё тушунмаяпти, ёхуд тушунишни истамаяпти. Бизда чорва учун ем-хашак базаси яратишнинг аҳамиятига етарли баҳо бермаслик, чорвачиликни ривожлантириш масалаларига эътиборсизлик билан қараш фактлари ҳам учраб турибди. Ўртоқ Қурбонов буни ўз докладида бир қанча мисоллар билан аққол кўрсатиб ўтди, республикада чорвачиликнинг аҳволига объектив баҳо берди. Ана шу масалаларга менинг ҳам батафсил тўхталиб ўтишимнинг зарурати йўқ. Фақат уч нарсага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Биринчидан, биз ҳар қайси чорвачилик фермасини кадрлар билан мустаҳкамлашимиз зарур. Биз чорвачиликка шу ишни биладиган ва севадиган, қобилиятли, энг яхши одамларни юборишимиз керак.

Бу ерда ўртоқ Умарова билан ўртоқ Юнусова сўзга чиқишди. Уларнинг номини кўп одамлар билмайди, ваҳоланки булар чинакам қаҳрамонлар бўлиб, сигирлардан кўпгина сут соғиб олаётган усталардир. Ўз ишига меҳр қўйган мана шундай ёш, сергайрат одамларга чорвачиликнинг тақдирини топшириб қўйиш керак. Қолоқ, ўжар одамларни эса раҳбарликдан четлатиш лозим. Биз яхши, ташаббускор меҳнаткашларни ҳал қилувчи соҳаларга қанчалик тез тайинлаб қўйсак, чорвачилик шунча тез юксалади.

Иккинчидан, чорва моллардан бола олишда тегишли тартиб ўрнатиш, чорва туёғини кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирларни амалга ошириш керак. Чорва моллларнинг яхши, тўқ қишловини таъминлаш бу вазифани ҳал қилишда муҳим роль ўйнаши лозим. Емхашак ғамлашни тезроқ тугаллаш керак.

Учинчидан, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун қурашни кучайтириб, қишлоқ хўжалигининг бу тармоғини рентабелли, сердаромад тармоққа айлантириш зарур. Бунинг учун чорвачиликни ихтисослаштиришга доир масалаларни ҳал қилиш, зооветеринария фани муваффақиятларидан кенг фойдаланиш керак.

ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА СУҒОРИШ— МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети суғориладиган ерларда деҳқончиликни ривожлантириш, янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш соҳасида катта вазифалар қўйди. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш — экинлардан мутасил мўл ҳосил олишнинг зарур шартидир.

Бизнинг республикамизда янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда. Бу ишларнинг ҳажми узлуксиз равишда кенгаймоқда. 1953—1957 йилларда 170 минг гектар ер ўзлаштирилган бўлса, 1958—1962 йилларда 220 минг гектар ер ўзлаштирилди. 1953—1957 йилларда бизда 234 миллион кубометр тупроқ ишлари бажарилган бўлса, 1958—1962 йилларда 445 миллион кубометр, яъни икки баравар кўп тупроқ ишлари бажарилди.

Бетон ва йиғма темир-бетондан ирригация қурилишида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Буни қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин. 1953—1957 йилларда 138 минг кубометр бетон ва темир-бетон ётқизилган бўлса, 1958—1962 йилларда 630 минг кубометр, ёки беш баравар кўп бетон ва темир бетон ётқизилди.

Бироқ, янги ерларни ўзлаштириш ва ирригация иншоотларини қуриш суръатлари ҳали етарли даражада жадал олиб борилаётгани йўқ, бу ишларнинг бажарилиши кўпинча план топшириқларидан орқада қолмоқда. Ваҳоланки ана шу коллекторлар қурилишида жуда катта ҳажмдаги — 15 миллион кубометр тупроқ ишлари бажарилди. Яна бу ишларнинг асосий қисми шу йил қилинди.

Ё бўлмаса Равшан каналини олайлик. Яқинда биз уни қабул қиламиз. Бу каналнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ғоят каттадир. Уни қуришда ҳам катта ҳажмдаги тупроқ ишларини бажариш лозим эди. Лекин аҳиллик билан киришиб, шу ишларни қисқа вақт ичида бажардик.

Бинобарин, биз ҳамма ирригация иншоотлари қурилишини тезлаштиришимиз, бундай иншоотларни ишга тушириш муддатларини қисқартиришимиз мумкин ва керак.

Яқинда Аму-Бухоро канали қурилиши муддатларини бир йилга қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Каналнинг биринчи навбати келгуси йилнинг август ойидаёқ, иккинчи навбати эса йил охиригача ишга туширилиб, унинг суви Қуйимозорга етиб боради. Бу ишни бемалол уддалаш мумкин. Фақат канал қурилишини тезлаштириш учун ҳамма имкониятлардан ишнинг кўзини билиб, тўлиқ фойдаланилса кифоя.

Биз Жанубий Сурхон ва Пачкамар сув омборлари қурилишини тезлаштириш юзасидан шошилинч тадбирлар кўришимиз керак. Бу нарса Қарши чўлидаги ва бутун Сурхондарё областидаги беполн ер массивларини тезроқ суғориш ва ўзлаштириш имконини беради.

Бешқўтан массивини ўзлаштиришда кўпгина нуқсонларимиз бор. Бу массивдаги ишларни синчиклаб текшириб кўриб, тузатиб олишимиз. Шеробод канали қурилишини тезлаштиришимиз ва аввало, ана шу каналдан сув ичадиган ерларни ўзлаштиришимиз керак.

Фарғона областидаги Каркидон сув омборининг биринчи навбати битиш арафасида турибди. Лекин қурувчилар иккинчи навбат лойиҳасининг ҳужжатлари билан ҳали таъминланган эмаслар. Бу нарса қурилишни давом эттиришга тўғаноқ солиб қўйиши мумкин. Демак, қурилишни 1965 йилда битказиб, ишга солиб юбориш учун уни зарур лойиҳа ҳужжатлари билан дарҳол таъминлаш лозим.

Сирдарё областида Жиззах сув омбори қурилмоқда. Лекин бу ердаги қурилиш ишларининг суръати ҳам кўнгилдагидек эмас. Ишларнинг кечикиб кетаётганига сабаб шуки, қурилишни моддий-техника воситалари билан таъминлашга доир баъзи бир масалалар ҳанузгача бир ёқли қилингани йўқ. «Голодностепстрой», Сирдарё область партия комитети ва область ижроия комитети бу масалаларни яқин фурсат ичида бир ёқли қилиб, қурилиш суръатларини тезлаштириб юборишлари зарур.

Каттақўрғон ва Косонсой сув омборларини кенгайтириш соҳасидаги ишларимиз ниҳоятда кечга сурилиб кетди. Бу ишларни анча тезлаштириб юбориш мумкин. Шундай қилишимиз ҳам шарт.

Лойиҳалаш ишларини тўла ҳажмда тезроқ тугаллаб, Кампирровот сув омбори қурилишини бошлаб юборишимиз жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир бу ерда тайёргарлик ишларини кенг авж олдириб, уй-жойлар, йўллар қуриш, бинокорларга база яратиб бериш зарур.

Ирригация билан мелиорациянинг ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, биз «Узглавстрой»га, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигига, «Средазтрансстрой»га, «Узбекгидроэнергострой», «Узбеквзривпром»га ва баъзи бир иттифоқ ташкилотларига ёрдам сўраб, мурожаат қилдик. Шу ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам сув хўжалиги қурилишида қатнашиб келаяпти. Биз шу ишдаги активликларини ошириб юборишни, ишга дадилроқ киришишни улардан илтимос қиламиз.

Ҳаммамиз шуни жуда яхши билиб олишимиз керакки, ирригация билан мелиорация — умумпартиянинг, умумдавлатнинг, умумхалқнинг катта ишидир. Ирригация иншоотларини қуриш, янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш — экинлардан мўл ҳосил олиш гарови бўлиб, янгидан неча мингдаб тонна пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиш демакдир.

Шу сабабдан сув хўжалиги қурилиши ва янги ерларни ўзлаштириш вазифаларини ҳал қилишга ҳаммамиз бараварига киришмоғимиз керак. Бу ишда қишлоқ область партия комитетлари ва область ижроия комитетларигина эмас, балки саноат область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари ҳам, комсомолимиз ҳам актив қатнашмоқлари лозим. Партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ирригация-мелиорация қурилишини оталикка олишлари, сув омборлари, каналлар ва ҳар хил сув хўжалиги иншоотлари барпо қилишда актив қатнашишлари зарур.

ОДАМЛАРГА ҒАМХЎРЛИК— ПАРТИЯМИЗНИНГ ОЛИЙ ҚОНУНИ

Ўртоқлар! Республика олдида турган катта ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш манфаатлари самарали ишлаш учун меҳнаткашларга ғоят қулай шарт-шароитлар яратиб беришни талаб қилмоқда. Бизнинг совет кишиларимизга муттасил ғамхўрлик қилса, арзийди. Одамларга ғамхўрлик — партиямизнинг олий қонунидир.

Афсуски, баъзи раҳбарларимиз буни тушунишни истамаяптилар, меҳнаткашларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида дурўст ғамхўрлик қилмаяптилар.

Айрим районлардан савдо-сотиқ ва аҳолини нон билан таъминлаш ёмон уюштирилаётгани, одамлар навбат кутиб қолаётганликлари ҳақида сигналлар олинмоқда. Шундай бўлаётганига сабаб нима? Сабаб шуки, баъзи партия, совет органлари ва савдо ташкилотлари ёмон ишлаяпти, савдо-сотиқни йўлга қўйиш масалалари билан астойдил шуғулланмаяпти.

Сотишга чиқарилаётган нон миқдори камаяётгани йўқ, балки кўпайиб боряпти. Нон заводларимиз нонни жуда етарли миқдорда ёпиб бераяпти. Фақат ёпилаётган нонниг сифати яхшиланиб, ана шу нон тўғри тақсимланса ва савдо-сотиқ моҳирлик билан йўлга қўйилса кифоя. Шу сабабдан партия ва совет органлари нон савдосини алоҳида контрол остига олишлари лозим.

Лекин гап фақат нонда эмас. Одамнинг тирикчилиги ҳам ёлғиз нон билан эмас. Савдо ташкилотлари аҳолини гўшт, сут маҳсулотлари, сабзавот, картошка ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари билан жуда яқиндан шуғулланишлари керак.

Қиш яқинлашиб келяпти, шунинг учун ҳар бир киши ўз оиласини қишга етадиган сабзавот, картошка, мева билан таъминлаб олишга ҳаракат қилади. Бу — табиий бир ҳолдир. Бизнинг вазифамиз—байрам олди савдосини кенг авж олдириб юбориш, колхоз ва совхозлардан шаҳарларга қизил карвонлар ташкил қилиш, кўплаб миқдорда сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтириб турилишини таъминлаш ҳамда шу йўл билан аҳолининг ана шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини иложи борича тўлароқ қондиришдан иборат.

Совет органлари, тайёрлов ташкилотлари бу вазифани ҳал қилишда кўпроқ активлик ва эпчиллик кўрсатишлари керак. Чунки аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ана шундай маҳсулотларни тайёрлаш планлари ва мажбуриятларининг бажарилишига боғлиқдир.

Бизда сабзавот, картошка, мева тайёрлаш яхши боряпти. Ҳамма областлар социалистик мажбуриятларини бажарай деб қолди. Биз план ва мажбуриятларни тезроқ бажариш учун қўшимча чоралар кўришни ҳамда шу орқали аҳолига сабзавот, картошка ва меванн мўл-кўл қилиб қўйишни илтимос қиламиз.

Бу йил республикада шолидан мўл ҳосил етиштирилди. Шу сабабли савдо ташкилотлари умумий овқатланиш ва аҳолига сотиш учун шоли харид қилишни йўлга қўйишлари лозим.

Биз савдо-сотиқни бутун чоралар билан яхшиламоғимиз керак. Партия, совет, касаба союз органларининг раҳбарлари, хусусан савдо ташкилотларининг ходимлари савдо-сотиқни йўлга қўйиш масалалари билан мунтазам ва конкрет шуғулланишлари лозим. Улар магазинлар, ошхоналар, бозорларга тез-тез бориб, одамларнинг талабларини ўрганишлари ҳамда меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ғоят кескин чоралар кўришлари зарур.

Биз аҳолига медицина хизмати кўрсатишни, медицина муассасаларимизнинг ишини тубдан яхшилашимиз керак. Бу ишда ҳали кўп камчиликлар бор. Қиш яқинлашиб, совуқ тушиб келаётганлиги учун шамоллаб, касалланиш ҳоллари учраб турибди. Соғлиқни сақлаш министрлиги ва унинг маҳаллий органлари эса профилактика тадбирларини ўтказишда тегишинча оперативлик кўрсатмаяпти, баъзан медицина ёрдамини ўз вақтида бермаяпти.

Партия, совет ва медицина органларининг раҳбарлари даволаш муассасаларига тез-тез бориб, касалхоналар, амбулаториялар, поликлиникаларнинг иши устидан контролни кучайтиришлари, уларга кўпроқ ёрдам беришлари керак. Биз аҳолига медицина хизмати кўрсатишни ўзимизнинг энг муҳим бурчимиз деб билишимиз лозим.

Маиший корхоналар билан маданий-оқартув муассасаларининг ишларини яхшиламаса бўлмайди. Меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишни кучайтириш керак. Далада ишлаётган кишиларга маданий-маиший хизмат ва медицина хизмати кўрсатиш, уларга иссиқ овқат ташкил қилиб бериш, дам олишлари учун зарур шароитларни яратиб қўйиш тўғрисида партия ташкилотлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Шуни эсда тутиш керакки, биз одамларга қанча кўп ғамхўр бўлсак, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларини қанча тўлароқ қондирсак, улар шунча кўп ғайрат билан ишлайдиган бўлишади, меҳнат унумдорлиги шунча кўп ошади, бинобарин эса олдимизда турган ҳамма вазифалар муваффақиятлироқ ҳал қилинади.

* * *

Бизнинг Пленумимиз муҳим вазифаларни муҳокама қилди. Пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни тезроқ тугаллаш шулар орасида энг асосий, энг биринчи галдаги вазифадир. Ҳеч шубҳа йўқки, республика партия ташкилоти ташкилотларининг иши ва сиёсий иш савиясини ошириб, шу асосда ҳамма меҳнаткашларни пахта тайёрлаш суръатларини жадаллаштириш учун курашга, пахтачилик соҳасидаги давлат планини ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этади.

(Давомли қарсаклар).

ҚИРҒИЗИСТОННИНГ РОССИЯ СОСТАВИГА ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН ҚЎШИЛГАНИГА БУГУН ЮЗ ЙИЛ ТЎЛДИ

БИР АСРЛИК ҲАЁТ

Бўлат МАМБЕТОВ
Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси

□ □ □

Шу кунларда республикамиз пойтахти Фрунзе шаҳридаги улуғ Ленин ҳайкали олдида «100 йил» деган ёзув пайдо бўлди. Бундан юз йил муқаддам қирғиз халқи ўз тақдирини улуғ рус халқининг тақдири билан боғлади. Катта аҳамиятга эга бўлган бу тарихий воқеа кўп жиҳатдан Қирғизистоннинг миллий ва социал тараққиёт йўлидаги бундан кейинги ривожланишини белгилаб берди.

Қирғизлар улуғ рус халқи сиймосида ўзларининг озодлик ва бахт-саодат учун курашларида беғараз содиқ дўст ва бирадарни топдилар. Рус халқи билан яқинлашиш туфайли қирғиз меҳнаткаш оммаси чоризм ва маҳаллий феодалларга қарши революцион курашга қўшилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг қирғизлар чинакам озодлик ва бахт-саодатга эришдилар.

Қирғиз халқи рус ва бошқа қардош халқларнинг беғараз ёрдамига таяниб, қисқа тарихий даврнинг ичида феодализмдан социализмгача, қолоқликдан тараққиётгача, зулм ва ҳуқуқсизликдан озодлик ва тенгликкача, қашшоқликдан фаровон ҳаётгача бўлган катта йўлни босиб ўтди.

Ишчилар, деҳқонлар, меҳнаткаш интеллигенция республика экономикаси ва маданиятини янада юқорироқ даражага кўтариш, ҳар бир совет кишисининг ҳаётини янада фаровонроқ ва бахтлироқ қилиш учун ўз куч ва билимларини сарфлаяптилар.

Ҳозир Қирғизистонда беш мингга яқин йирик саноат корхоналари бор. Республикада совет ҳокимияти йилларида тошкўмир, нефть, газ ва тоғ-кон саноати тармоқлари, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, приборсозлик ва қурилиш индустрияси бунёдга келтирилди. Қирғизистон кейинги йилларда саноат ва сурма ишлаб чиқариш бўйича Совет Иттифоқида олдинги ўринлардан бирига чиқиб олди.

Республикада саноатга ишлаб чиқариши 1980 йилга бориб ўн баравар, қишлоқ хўжалиги эса уч ярим баравар ўсади.

«Осмон ўпар тоғлар» мамлакатининг ҳар бир куни халқимизнинг ўз мақсади томон катта ишонч қадамлар билан бораётганлигини яққол тасдиқлайди. Шу йилнинг фақат ўн ойи ичида Каиндин қанд заводи, Ўрта Осиёда энг йирик Фрунзе мовут комбинатининг биринчи навбати, Фрунзе ТЭЦининг учинчи турбоагрегати қуришга киришилди. Совет Қирғизистони иқтисодий тараққиёт даражасига кўра чет эл Шарқининг кўпгина мамлакатларидан олдинда бормоқда.

Қирғизистон қишлоқ хўжалиги ҳам тубдан ўзгарди. Революциядан илгари унинг асосий соҳаси кўчманчи чорвачилик бўлиб, омоч ва мотига ёрдамида ер ҳайдаларди. Ҳозир қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли соҳага айланди. У қудратли машиналар ва қишлоқ хўжалик фанининг энг янги муваффақиятлари асосида ривожланяпти. Совет ҳокимияти йилларида колхоз ва совхоз далаларида илгари Қирғизистонда маълум бўлмаган қанд лавлаги, луб ва эфир ёғи экинлари, юқори сортли тамаки экилабошланди. Жанубий Қирғизистоннинг ҳосилдор водиларида пахта, узум етиштирилмоқда.

Чорвачилик ҳам анча юксалмоқда. Ҳозир республикамиз кўйчиликнинг ривожланиши бўйича Ўрта Осиё республикалари ичида биринчи ўринни, Иттифоқда эса тўртинчи ўринни эгалламоқда.

Қирғиз халқи маданияти, фан ва санъатининг ривожланиши билан фахрланса арзийди. Бизда саводсизлик батамом тугатилди. Халқи илгари ўз ёзувига эга бўлмаган ўлка Совет ҳокимияти даврида тўла саводхонлик, илғор илм-фан, адабиёт ва санъат республикасига айланди. 1962—1963 ўқув йилида умум таълим мактабларида, техникум ва институтларда 533 минг киши таълим олди.

Республиканинг ўз миллий Фанлар Академияси, 42 та илмий муассасаси бўлиб, унда 3 мингга яқин илмий ходим иш олиб бормоқда.

... Қирғиз халқининг ўз дўсти ва биродари — улуғ рус халқи билан биргаликда босиб ўтган юз йиллик тарихий йўли порлоқдир. Бизнинг байрамимиз — ленинча миллий сиёсат тантанасининг байрамидир.

(АПН).

СОВЕТ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ ГАНАДА

АККРА, 28 октябрь. (ТАСС). Бугун Гана президенти Кваме Нкрума Гана Республикасида меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Ё. С. Насриддинова бошчилигидаги СССР Олий Совети делегациясини қабул қилди. Президент К. Нкрума билан Совет парламент аъзолари ўртасидаги суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Совет парламент аъзолари Гана пойтахтидаги диққатга сазовор жойларни томоша қилдилар, мудофаа министри К. Баако билан биргга улар иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг ёдгорлиги супасига гулчамбар қўйдилар. СССР Олий Совети делегацияси Аккрадаги болалар касалхонасини ҳам бориб кўрди.

ЎЗБЕКИСТОНДА РУС АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ 1943

Устозлардан ўрганамиз

Кўпгина ўзбек саҳна усталари СССР халқ артисти Иосиф Моисеевич Толчановдан таълим олишган. Декаданинг 28 октябрь куни Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драм театри ижодий коллективи бу устоз рус санъаткорини очиқ кўнгил билан кутиб олишди. Суратда: СССР халқ артисти И. М. Толчанов ўзининг собиқ ўқувчилари Ўзбекистон ССР халқ артистлари С. Табибуллаев (чапдан), З. Ҳидоятова ва Ш. Қаюмов ўртоқлар билан суҳбатлашмоқда.

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

„СИЗНИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИНГИЗГА ҲАМИША ИШОНГАН ЭДИМ“...

«Сизни ҳамиша севган эдим, ҳозир ҳам севмоқдаман ва бундан кейин ҳам севаман. Сизнинг порлоқ келажагингизга ҳамиша ишонган эдим ва бу билан янглишмапман».— Устозидан мана шундай сўзларни эшитган шогирд учун бундан ҳам азиз сўзлар бўлиши мумкинми...

Бу сўзларни СССР Халқ артисти Иосиф Моисеевич Толчанов айтди. Иосиф Моисеевич 28 октябрда ўз шогирдлари — Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театри артистлари ҳузурига борди. Йигирманчи йилларда ўзбек йигитлари ва қизлари актерлик маҳоратини ўрганиш учун унинг олдига, Р. Симонов, О. Басов, В. Канцель, Л. Свердлин олдига борган эдилар. Шунинг учун ҳам рус саҳнасининг мана шу ажойиб усталаридан таҳсил олганларнинг бири — Ўзбекистон ССР халқ артисти Ш. Қаюмовнинг миннатдорчилик сўзлари шу қадар қаяжонли жаранглади.

— Сизнинг ёрдамингиз туфайли биз профессионал актер бўлиб қолдик,— дейди Ш. Қаюмов.— Биз сизларнинг ёнингизга борганимизда актерлик маҳоратининг нималиги тўғрисида тасаввурга ҳам эга эмас эдик. Биз устозларимизни унутмаймиз ва улардан миннатдормиз. Биз сизлардан олган билимимизни театрдаги ўртоқларимизга ва ёш авлодга ўргатишга доимо интилмоқдамиз. Томошабинга манзур бўлиш биз учун энг яхши мукофотдир. Биз вахтанговчилардан ўргандик. Бизни вахтанговчилар деб атайдилар. Бу билан биз чексиз фахрланамиз.

Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева қадрли меҳмонни самимий табриклади. У, республикадаги барча театр арбоблари номидан устозларни — рус саҳнаси усталарини ишонтириб айтдики, ўзбек актерлари бундан бўён ҳам партиявийлик, социалистик реализм принципларига содиқ бўлиб қоладилар ва ўзларининг бутун талантлари ва қобилиятларини КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини амалга оширишга сарф қиладилар.

И. М. Толчанов ғоят тўлқинланиб гапирди.

— Мендан,— деди у,— бироқ гап айтишни истайсизми, деб сўрашди. Ҳа, жуда истайман. Ахир мен учун бу учрашув фақат ҳамкасблар билан учрашув бўлмай, балки шогирдлар билан ҳам учрашувдир, мен бу шогирдларимга ҳамиша ишонган эдим, бу учрашув ўзимнинг ёшлигимни эслатади. Машғулотларимизни, кишиларни, биз машқ ўтказган саҳналарни худди ҳозиргидек хотирлайман. Ўзбекистойдан келган ўқувчиларимизнинг эҳтиросига, истеъдодига, хайратига ҳайрат билан қойил қолганлигимиз ҳали-ҳали эсимда.

Сора Эшонтўраеванинг: «Ё ҳозир бўлади, ё ҳеч бўлмайди!»... деган сўзларни айтиб саҳнага югуриб чиққани хотирамда қолган. Бу сўзлар К. Гоццининг «Маликаи Турандот» пьесасида у ижро этган биринчи рольнинг сўзлари эди.

Эндиликда ўзбек артистларини бутун мамлакат танийди. Бу билан фахрланамиз. Менимча, дейди И. М. Толчанов, театр ҳузурида театрнинг ўзи учун ҳам, республикадаги бошқа театрлар учун ҳам артистлар тайёрлаб берадиган студияни вужудга келтириш керак.

СССР Халқ артисти барча ҳамкасбларига «дунёда энг яхши касб — актерликда» янги чўққиларга кўтарилишни тилади. У, ҳамкасбларига ўзининг «Мен ўйнаган роллар» китобини совға қилди.

Ўзбек актерларининг устози, СССР халқ артисти И. М. Толчанов Ҳамза номидаги театрнинг фикрлар дафтарига: «Сизнинг порлоқ келажагингизга ҳамиша ишонган эдим ва бу билан янглишмапман» деган сўзларни ёзиб қолдирди.

С. ФРОЛОВА,
ЎзТАГ мухбири.

ИЖОДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Куни кеча Ўзбекистон Театр жамияти, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Санъатшуослик ва Тошкент Театр-рассомчилик институтлари «Театр» журнали ходимлари билан журналхонлар учрашувини ўтказди.

Конференцияда сўзга чиққан санъатшунослик фанлари кандидатлари М. Раҳмонов, А. Рибник, А. Хўжаева, драматург З. Фатхуллин, режиссёр Э. Юнгвальд-Хильневич ва бошқалар театр маданияти ва журнал фаолиятини янада яхшилаш вазифасига оид ўз фикр ва мулоҳазаларини айтиб ўтдилар.

* * *

ҒАЙРАТИЙ

ДЎСТЛИК МАДҲИЯСИ

Қардошлик тарихи қиссаси
узун
Эй улуғ Россия дўстлик
ўлкаси.
Таърифинг тугамас ёзсам
туну-кун
Аниқйди бағрингдан баҳор
нафаси.

Сен билан дўстлашиб топдимиз
камол,
Гўё бир оила дастурхон битта.
Юз йилдир тақдир бир, бирдир
истиқбол
Меҳрибон оғайни тандан жон
битта.

Оға рус доимо бўлдинг
раҳнамо,
Октябрь тонгида тутиб
қўлимиз.
Бахш этдинг ҳамиша дилга
нур-зиё
Кўрсатдинг бизларга қуёш
йўлимиз.

Зиёнлиқ топмадик сен билан
бўлиб,
Асрий қадрдонлик тилларда
достон.
Боқдимиз ҳаётга мамнун ва
кулиб
Бошладинг саодат йўлига
томон.

Дилимиз, тилимиз бир бўлиб
мудом
Жаранглар куйимиз бирдир
мазмуни.
Кўрсатдик юракдан ҳурмат,
эҳтиром,
Узилмас мангуга дўстлик
туғуни.

Ленининнинг ғояси қилди
бахтиёр,
Ишончла шод боқдик, биз
келажакка,
Биз юрган боғларда кезмоқда
баҳор,
Дўстликдан етишдик бахт ва
тилакка.

ҚАРДОШЛАР ЁРДАМИ

Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи қошидаги халқ театрининг ташкил топганига ҳали унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин театримиз ижодий коллективи халқ орасидан етишиб чиққан ёш талантлар маҳоратини тинмай ошириб, ўз репертуарларини кенг оммага манзур қилишда бирмунча ишлар қилди.

Сўнгги икки йил ичида театримиз ўнлаб асарларни саҳналаштирди. Жумладан ўзбек, озарбайжон, татар, айниқса рус классик ва совет саҳна асарларини театр ишқибозлари зўр қизиқиш билан кутиб олишди.

Ўтган йили А. Корнейчукнинг «Платон Кречет», Гоголнинг «Ревизор» асарларини муваффақиятли саҳналаштирган эдик. Бу йил эса Пушкиннинг «Тош меҳмон» трагедияси устида иш олиб бораяпмиз.

Халқ театрининг ижодий коллективи мазкур асарларни саҳнага қўйишда кўпгина рус саҳна усталаридан маслаҳат ва ўрнак оляпти. Тошкентдаги Ҳамза номли Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театрининг бош режиссери А. Гинзбург, Островский номидаги театр ва рассомчилик санъати институтининг педагоги С. Березин ва бошқа рус устозлар бизга яқиндан ёрдам беришяпти.

Театримиз аъзолари саҳна «сир»лари ва актерлик маҳоратини ўрганишда рус театр асосчилари К. С. Станиславский, Топорков ва бошқа устозларнинг асарларига тез-тез мурожаат қилиб турадилар.

Шуни алоҳида мамнуният билан қайд қилиб ўтиш керакки, Москва Большой театри халқ театримиз ташкил топган 1958 йилдан бери бизни ўз оталигига олиб, катта ёрдам кўрсатяпти. Большой театр маъмурияти ҳар ойда бизга театр ва саҳна техникаси, бутафорлаштириш, саҳнани ёритишга оид, шунингдек актерлар маҳоратини оширишдаги тажрибалар ҳақида турли адабиёт ва брошюралар юбориб туради.

Халқ театримиз ижодий коллективи республикамизда ўтаётган рус адабиёти ва санъати ўн кунлигидан кўп нарсалар ўрганаяпти. Биз декада кунларида москвалик устозлар билан, шунингдек, Большой театр артистлари билан ҳам учрашиб, қимматли фикр ва маслаҳатлар олмоқдамиз.

Шу билан биргаликда ижодий коллективимиз аъзолари москвалик санъаткорларнинг бир неча саҳна асарларини томоша қилишга муяссар бўлмоқдалар. Бу халқ театримиз ижодий ишига катта ёрдам кўрсатади, албатта.

Шавкат УМАРОВ,
халқ театрининг режиссери.

БИЛДИРИШ

1 ноябрь, жума куни кечқурун соат 6 да Бирлашган нашриёт (Правда Востока кўчаси, 26-уй) биносида Тошкент шаҳар ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти ўтказилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 14622 Индекс 64695. Нашр. № 1712.